Дастлаб, синов тариқасида бирорта туристик марказда ўзида университет, давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, туристик компаниялар, меҳмонхоналарни бирлаштирган туристик кластер ташкил қилиш ва уни ишга тушириш зарур бўлади. Кейин эса янги ташкил қилинадиган туристик кластерларга дастлабки туристик кластер тажрибаларини жорий қилиш керак бўлади. Жорий йилнинг бошидан буён Ўзбекистонга 4 млн.дан ортиқ хорижликлар ташриф буюришганини инобатга оладиган бўлсак, туристик кластерлар ташкил қилинганидан кейин ушбу кўрсаткич бир неча баробар юқори бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш муҳимдир. Яна бир жиҳати шундаки, туристик кластерларда сезиларли даражада кўпроқ ишчи ўринлари яратилади, ва бу ҳам жамиятнинг ижтимоий муаммоларидан бирининг ижобий ҳал бўлиши имконини беради.

Юқорида келтирилган асосларни инобатга олиб, дастлаб кластер мақсадлари сифатида куйидагиларни белгилаб олиш талаб қилинади:

- кластер қатнашчилари рақобатбардошлилигини ошириш ва янги туристик бозорларга чиқиш истикболларини ишлаб чиқиш;
- туризмда ҳудуднинг ягона брендини яратиш, маҳаллий ва халқаро туристик бозорларда бренд таниқлилигини ошириш;
- туризм ривожланишининг регионал ва миллий стратегиясини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;
- маркетингнинг қисқа ва узоқ муддатли маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, туризм соҳасида инновацияларни рағбатлантириш;
- ҳудудлар анъаналари ва маросимларини қайта хатловдан ўтказиш;
- янги, истикболли туристик йўналишларни аниқлаш ва уларни тарғиб қилиш;
- туризм соҳаси ходимларининг профессионал тайёргарлигини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш;
- ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун марказий, регионал ва маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда ишлаш;
- миллий ва халқаро даражада ҳудудларда лоббизмни амалга ошириш.

Ушбу келтирилган дастлабки вазифаларнинг амалга оширилиши туризмни ривожлантиришнинг янги бир йўналиши сифатида талқин қилиниши лозим. Шу сабабли ҳозирги даврда эътибор берадиган бўлсак, меҳмонхоналар, туристик компаниялар, маҳаллий ҳокимият, бошқарув органлари – ҳаммалари алоҳида ўзларининг стратегияларига эга ва бу стратегиялар ҳар доим ҳам бир-бирлариникига тўғри келмайди [6]. Яъни, туристик компания ва маҳаллий ҳокимиятни, ёки меҳмонхона ва бошқарув органларини манфаатлари бир-бири мос келмаслиги тушунтирилмоқда. Агар кластер қатнашчилари ҳамжиҳатликда ўз вазифаларини бажариб борсалар, маълум вақтдан кейин мамлакатимизга туристлар оқими сезиларли даражада ошиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АБАДИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Daniela Fundeanu, Innovative Regional Cluster, Model of Tourism Development, Procedia Economics and Finance - 23:744-749, December 2015
2. Maria Sahakyan, Зарубежный опыт формирования и управления туристскими кластерами, Knowledge Economy: Strategic Problems and System-Cognitive Solutions: VIII International. scientific-practical conference, January 2016.
3. Margarita Boiko, Myroslava Bosovska, Nadiia Vedmid, Svitlana Melnychenko and Alla Okhrimenko (2017). Development of the tourism cluster. Problems and Perspectives in Management, 15(4), 134-149.
4. The competitive advantage of nations. Harvard Business Review, 68(2), 73-93. Porter, M. E. (2013). Development strategies for the 21st century social progress and competitive growth; www.socialprogressimperative.org.
5. Rispoli M., Tamma M. (1991). Le imprese alberghiere, CEDAM, Padova.
6. Азимов О.Х. Влияние новых инновационных технологий в индустрию туризма//Конференция «Современные тенденции и актуальные вопросы развития туризма и гостиничного бизнеса в России», 2017

АУТСОРСИНГ И ЕГО РОЛЬ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Н.Э. Кахарова, ассистент, Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта, Ташкент

Ш.В. Эргашев, ассистент, Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта, Ташкент

Annotatsiya: *Autsorsing mavzusi bizning davrimizda juda dolzarbdir, chunki inqiroz sharoitida kompaniya bankrot bo'lmasligi uchun barcha kuchlarini to'plashi va asosiy faoliyat turiga e'tibor qaratishi kerak.*

Kalit so'zlar: *iqtisodiyot, tashqi manbalar, rivojlanish, resurs, biznes.*

Аннотация: *Тема аутсорсинга очень актуальна в наше время, так как в условиях кризиса компания для того, чтобы не обанкротиться должна аккумулировать все свои силы и сосредоточится на своем основном виде деятельности.*

Ключевые слова: *экономика, аутсорсинг, развития, ресурс, бизнес.*

Annotation: *The topic of outsourcing is very relevant in our time, because in a crisis, the company in order not to go bankrupt must accumulate all its strength and focus on its main activity.*

Keywords: *economy, outsourcing, development, resource, business.*

Для эффективного ведения бизнеса любого уровня необходимо правильно распределить свои ресурсы. Но для развития основного направления деятельности компании, необходимо поддерживать на высоком уровне большое количество вспомогательных служб и подразделений. Это бухгалтерия, технологическое обслуживание, поддержка ИТ-инфраструктуры, кадровое делопроизводство. Появляется необходимость освободить соответствующие организационные, финансовые и людские ресурсы, чтобы развивать новые направления или сконцентрировать усилия на существующих, требующих повышения внимания. Рыночная конъюнктура, жесткая конкуренция, инновационные технологии стимулируют новые бизнес-действия участников, но с большими затратами ресурсов на производство продукции.

Аутсорсинг – использование внешнего источника или ресурса. Аутсорсинг — это феномен XX-века – величайшее открытие бизнеса последних лет. В настоящее время существует множество определений аутсорсинга. Например, в современных экономических словарях, под аутсорсингом понимается – передача стороннему исполнителю некоторых непрофильных функции предприятий с целью повышения производительности труда и снижения себестоимости продукции или услуги в основном за счет использования более дешевой рабочей силы, привлекаемой со стороны. По мнению Генри Форда, философия аутсорсинга заключается в том, что если есть что-то, что у нас не получается делать лучше и дешевле, чем у наших конкурентов, то нет смысла это делать, мы должны эту работу передать тем, кто ее выполняет с заведомо лучшим результатом. Современное восприятия аутсорсинга весьма расплывчато и имеет очень большой спектр значений, варьируемых от использования работников, неорганизованных в профсоюзы, до приобретения неких деталей у сторонних поставщиков продукции. Аутсорсинг позволяет компании, во –первых, сосредоточится на разработке новых продуктов и услуг, что важно в условиях стремительно изменяющихся технологий и спроса для обеспечения конкурентного преимущества; во –вторых, увеличить гибкость производства: ведь на небольших заводах проще заниматься перестройкой производственного процесса и диверсифицировать выпускаемую продукцию, и наконец вести бизнес на рынках с дешевой рабочей силой.

Объединяя рассмотренные определения, можно утверждать что аутсорсинг – это часть управленческой стратегии компании при передаче работ и услуг стороннему исполнителю, основанной на фундаментальном принципе разделения труда, организованной в виде устойчивого бизнес-процесса и направленной на повышение эффективности компании и

снижения издержек. Основную цель аутсорсинга можно сформулировать как создание для любой компании возможностей фокусирования всех своих усилий на решении основных задач – росте конкурентоспособности, продвижения своего профильного товара на рынки страны и мира. При этом за счет передачи отдельных обеспечивающих функций достигается повышения эффективности деятельности компании. Методика аутсорсинга, основано на простом принципе «определи лучшего исполнителя и делегируй ему полномочия», наилучшим образом гармонирует с законами новой экономики, делая ставку на качественный результат деятельности. Аутсорсинг является одним из мощных методов управления организацией, которая имеет ряд объективных преимуществ. Аутсорсинг может приносить компании значительные и многочисленные преимущества:

- сокращение объемов инвестиций в неосновные фонды;
- сосредоточения на основной деятельности;
- снижение расходов на создания и поддержку рабочих мест;
- отсутствие зависимости от болезней или увольнения работников;
- гибкая реакция на изменения на рынке и внутри компании;
- повышение конкурентоспособности компании, использующейся услугами аутсорсера;
- низкая цена услуг, как правило за счет предложения стандартизованных решений;
- большая оперативность выхода на рынок за счет предварительных сконфигурированных решений.

С учетом изложенного можно выделить ряд общих характеристик и особенностей рассматриваемого явления:

1) договорную природу отношений аутсорсинга: аутсорсинг определяется как практика планирования, управления и реализации определенных видов работ сторонней организацией в соответствии с условиями договора;

2) передачу выполнения отдельных видов работ сторонней организации на длительный срок;

3) передачу внешнему подрядчику тех видов работ, которые могли бы осуществляться внутри самой организации;

4) индивидуальное решение, отраженное в договоре между сторонами, в зависимости от ситуации с использованием аутсорсинга.

Аутсорсинг классифицируется по следующим критериям 1-ыми интегрированными индикаторами.

1.1 В зависимости от вида деятельности и вида услуг:

А) операционный –передача операций, связанных с производством, разработкой, хранением или всего цикла производства внешней компании.

Б) функциональный –передача внешним исполнителям отдельных функций, необходимых для ведения бизнеса, но не являющихся основными.

В) ресурсный аутсорсинг- отказ от собственных ресурсов, необходимых для ведения бизнеса, в пользу получения их со стороны.

1.2 По количеству партнеров:

А) простой аутсорсинг – у компании-заказчика имеются договорные отношения с одним поставщиком услуг.

Б) совместный аутсорсинг – у компании- заказчика имеются договорные отношения с несколькими аутсорсерами, выполняющими различные по характеру функции.

1.3 По географическому признаку:

А) Локальный.

Б) Региональный.

1.4 По отношению к структуре компании – заказчика

А) Внутренний – создание внутри основной структуры дочерних подразделений с их последующим выделением.

Б) внешний –передача функции и операции внешней организации.

2. Классификация по разновидности аутсорсинга в сфере:

- информационные технологии;
- бизнес-процессов;
- в сфере управления кадров;
- в сфере производства и промышленности.

В качестве базовой рекомендации можно предложить следующее: рутинные процессы, основанные на выработанных правилах, могут быть подвергнуты аутсорсингу, но процесс требующий принятия отдельного решения менеджера, уникальный процесс не передается на выполнение аутсорсеру.

СПИСОК ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Щербакоев Е.В. Аутсорсинг на железнодорожном транспорте -Москва., 2017. –С.79.
2. www.otherreferats.fllbest.ru
3. www.menegment.rules.ru
4. www.mirznaniy.ru

УДК 339

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН САМАРАЛИ
Фойдаланиш таҳлили**

Ш.В. Эргашев, ассистент, Тошкент темир йўл мухандислари институти, Тошкент
Н.Э. Кахарова, ассистент, Тошкент темир йўл мухандислари институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада асосий воситалар таҳлили бир неча йўналишларда олиб борилган ва асосий воситаларни тузилиши, динамикаси, улардан ҳамда узоқ муддатли инвестициялардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда таҳлил натижаларига кўра баҳо берилган.

Калит сўзлар: темир йўл транспорти, самарадорлик, иқтисод, корхона.

Аннотация. В данной статье анализ основных средств проводился по нескольким направлениям и был оценен по результатам анализа на основе структуры, динамики основных средств, показателей их эффективного использования, а также долгосрочных инвестиций.

Ключевые слова: железнодорожный транспорт, эффективность, экономика, предприятие.

Abstract. In this article analysis of fixed assets is carried out in several directions and the results of the analysis are evaluated based on the structure of the fixed assets, their dynamics, as well as on the indicators of effective use of them and long-term investments.

Keywords: railway transport, effectiveness, economy, enterprise.

Ҳар қандай корхона, шакли ва фаолият туридан қатъий назар, асосий ишлаб чиқариш фондларини таркиби ва ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш даражасини доимий равишда кузатиб бориши керак. Ушбу маълумот компанияга асосий фондларини самарадорлигини ошириш йўллари ва захираларни аниқлаш имконини беради, шунингдек, ўз вақтида салбий омилларни аниқлаш ва тўғрилаш билан бир қаторда, кейинчалик корхона муваффақиятига жиддий салбий оқибатларига олиб келиши мумкин ҳолатни бартараф этиш имкониятини яратади [1]. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишини ўрганишдаги таҳлилнинг асосий вазибалари [3]:

- асосий воситалар таркиби, тузилишидаги ўзгаришларни аниқлаш;
- асосий воситалар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига омиллар таъсирини ҳисоблаш.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларини айланиш тезлигини жадаллаштириш - бу асосий фондларни самарали ишлатилаётганлигини билдиради, бу эса жисмоний ва маънавий эскирган бўшлиқни камайтириш муаммосини ҳал қилишда, асосий воситаларни янгилашни жадаллаштиришга ёрдам беради. Масалан, ташкилот амортизация сиёсати, капитал қўйилмани қайтиш иши каби омиллар асосий фондлардан фойдаланишни иқтисодий самардорлигини ошишига олиб келса, хавфсизлик, экология, тармоқни хусусияти каби кўрсаткичлар салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли 1- жадвалда юқорида келтирилган гуруҳни тарбкий қисмига тегишли омилларни асосий фондларни иқтисодий самардорлигига салбий ёки ижобий таъсири қай даража эканлигини келтириб ўтамыз.

1-жадвал

Асосий фондлардан фойдаланишни иқтисодий самардорлигига таъсир этувчи омиллар

Самардорликни оширувчи омиллар	Самардорликни пасайтирувчи омиллар
<p>Амортизация сиёсат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - компаниянинг ўз молиявий ресурсларини шакллантириш сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, корхона қайта инвестициялаш мақсадида асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида амортизация ажратмаларини бошқариш орқали амалга оширилади. <p>Корхона эксплуатация харажатларини камайиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> - техника ва технологиялардан оқилана фойдаланиш натижасида электр энергия, ёқилғи ва материалларни сотиб олишга бўлган харажаталар камайиши натижасида ишлаб чиқариш қувватини ошишига олиб келади. <p>Асосий фондларни тузилмасини ўзгариши;</p> <ul style="list-style-type: none"> - бекор турган ёки кам фойдаланиладиган асосий фондлар воз кечилиши самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. <p>Асосий фондларни янгилашни;</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавжуд асбоб-ускуналарни янги, самардор ва замонавий техник даражадаги модернизация қилиш ва алмаштириш натижасида техник ва меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади 	<p>Хавфсизлик:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқаришдаги халокатлар сони; - бахтсиз ходисалар сони ўзгариши; - саноат хавфсизлик сиёсати. <p>Экология;</p> <ul style="list-style-type: none"> - чиқарилаётган чиқиндилар ҳажмини ошиши; - экологик тўловлар ва жарималар.

Темир йўл транспортига хос бўлган умумий иқтисодий ва хусусий ҳолатларидан келиб чиқиб асосий воситалардан фойдаланишини самардорлигини ошириш учун комплекс таҳлил қилиш ва захираларни аниқлаш учун кўрсаткичларни тизимли таҳлилин амалга ошириш керак [4].

Темир йўл транспортини асосий мақсади истеъмолчилар талабига жавоб берадиган хизмат турларини кўрсатиб даромад олиш ҳисобланади. Темир йўл транспорти миллий иқтисодиётни тармоқлари ичида катта ҳажмдаги капитал талаб этадиган соҳа, шунинг учун уни ривожлантиришга катта маблағ сарфлаш зарур.

Шу сабабли асосий фондларни самардорлигини баҳолашда корреляцион-регрессион таҳлилда таъсир этувчи омиллар эмпирик танловдан ўтказилиши керак. Темир йўл транспортини хусусиятлардан келиб чиқиб асосий фондлардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш учун танлов натижалари асосида қуйидаги омилар белгиланди (2-жадвал).

2-жадвал.

Факторли модель компонентлари

Омиллар	Кўрсаткичлар
X ₁	- асосий воситаларни фаол қисмидаги улуши %;
X ₂	- ташиш ишларида фаолият юритувчи ходимлар улуши %;
X ₃	- асосий воситаларни янгилашни коэффициентини;
X ₄	- асосий воситаларни эскириш коэффициентини;
X ₅	- ташиш ишларини юкмаси, келтирилган т.км.;
X ₆	- асосий воситаларни чиқарилиш коэффициентини;
X ₇	- ташиш ишларидан тушган даромад, сўм
Y	- асосий воситаларни фонд қайтими.

Келтирилган хар бир омилни ҳисоблашга батафсил тўхталиб ўтсак.

Асосий воситаларни фаол қисмидаги улуши (X_1) асосий воситаларни фаол қисмини йил охиридаги қийматини йил бошидаги қийматига тақсимлаш орқали аниқланади:

$$X_1 = \Phi_{\text{йил боши}} / \Phi_{\text{йил. охир.}};$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{фаол қисми}}$ – асосий фондларни фаол қисми (йил охирига);

$\Phi_{\text{йил. охир.}}$ - асосий фондларни фаол қисми (йил бошига);

Ташиш ишларида фаолият юрувчи персоналлар улуши (X_2) умумий ҳисобдаги персоналлар сонига ташиш ишларида банд бўлган ишчилар сони нисбати:

$$X_2 = \Pi_y / \Pi_T * 100;$$

Бу ерда:

Π_y – умумий ҳисобда персонал сони;

Π_T – ташиш ишлари билан банд бўлган персонал сони.

Асосий воситаларни янгиланиш коэффиценти (X_3) янги киритилган асосий воситалар қийматини асосий воситаларни фаол қисмини йил охиридаги қийматига нисбати:

$$X_3 = \Phi_{\text{янги}} / \Phi_{\text{йил. охир.}};$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{янги}}$ – янги киритилган асосий воситалар қиймати.

Асосий воситаларни эскириш коэффиценти (X_4) асосий воситалардан амортизация ажратмалар қийматини асосий воситаларни фаол қисмини йил охиридаги қийматига нисбати:

$$X_4 = A_{\text{а.в.}} / \Phi_{\text{йил. охир.}};$$

Бу ерда:

$A_{\text{а.в.}}$ - асосий воситалардан амортизация ажратмалар қиймати

Ташиш ишлари (X_5) амалга оширган юк айланмасини ташиш ишларида фойдаланилган асосий фондлар қийматига нисбати:

$$X_5 = \sum PL / \Phi_{\text{ташиш.}};$$

Бу ерда:

$\sum PL$ – юк айланмаси;

Асосий воситаларни чиқарилиш коэффиценти (X_6) истеъмолдан чиқарилган асосий воситалар қийматини асосий воситаларни йил бошидаги қийматига нисбати:

$$X_6 = \Phi_{\text{чиқариш}} / \Phi_{\text{йил. боши.}};$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{чиқариш}}$ - истеъмолдан чиқарилган асосий воситалар қиймати.

Ташиш ишларидан тушган даромад (X_7) ҳисобот йили давомида ташиш ишларидан олинган даромад.

Корреляцион таҳлил натижаларига асосланиб, кўп омилли регрессион таҳлили амалга оширилади. Таҳлил натижалари асосида қуйдаги кўринишдаги тенглама юзага келади:

$$Y = a + b_1 X_1 + b_2 X_2 + b_3 X_3 + b_4 X_4 + b_5 X_5 + b_6 X_6 + b_7 X_7;$$

Бу тенгламани иқтисодий маъноси шундан иборатки асосий воситаларни фаол қисмидаги улуши (X_1) бир бирлик ўзгариши асосий воситаларни фонд қайтими (Y)ни қай даражада ўзгаришига олиб келишини кўрсатиб беради. Бу эса асосий фондлардан фойдаланишда самарадорлигини ошириш учун энг аввало қайси омилларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим, қайси омилларни қандай ўзгаришлар қилиш керак деган саволларга жавоб топишда енгиллик яратади. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда, айнан қайси омил таъсирида самарадорлик паст бўлаётганлигини аниқлаш ва уни ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишда корреляцион-регрессион таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Методика выявления путей повышения эффективности использования основных производственных фондов промышленного предприятия/Под ред. Бабича О.В. – 2006.
2. Закиров А.А., Иволина И.Э. Методы оценки эффективности использования основных фондов в нефтегазовой отрасли//“Нефть и газ”, № 3, 2006. –4 с.
3. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. – Т., «Iqtisod-moliya», 2011.
4. Финансовый и управленческий учет: Учебник / А. Сотиволдиев, Ф.Абдувахидов, Д.Сатывалдыева; - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2012. 432 с.

ТАРИХ ФАНЛАРИ

УДК. 9 (58):002 (584.4)

**ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ
В 40-50 ГОДЫ XX-ВЕКА***Д.В. Алиназарова, преподаватель, Национальный университет Узбекистана, Ташкент*

Аннотация. Мазкур мақолада кенг доирадаги архив хужжатлари ва Наманган вилояти вақтли матбуоти материаллари таҳлили асосида, XX асрнинг 40-50 йилларида матбуотнинг ривожланиши масалалари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: Газета, “Иккинчи жаҳон уруши”, Наманган вилояти, «Сталин ҳақиқати», “За Коммунизм”, фронт, адад.

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы развития печати в 40-50 годы XX века в Наманганской области в результате анализа архивных источников и материалов периодической печати.

Ключевые слова: Газета, “Вторая мировая война”, Наманганская область, «Сталин ҳақиқати», “За Коммунизм”, фронт, тираж.

Abstract. In this article, a wide range of analyses of archival sources and periodicals in the Namangan region, issues of print development in the 40-50 years of the 20th century are considered.

Key words: Newspaper, World War II, Namangan region, «Сталин ҳақиқати» (“Stalin khaqiqati»), “За Коммунизм” (“For Communism»), front, circulation.

В 2020 году мировое сообщество будет широко отмечать важную историческую дату – 75-летие Великой победы во Второй мировой войне. Это и праздничная и, несомненно, обязывающая помнить и чтить поколение и подвиг фронтовиков дата.

В этой войне наши деды и прадеды, узбеки, русские, украинцы, белорусы, люди других национальностей, сражались бок о бок и ценно своих жизней, завоевали Победу. Неоценим и вклад тыла в неё. В периодической печати Узбекистана тех лет сохранилось огромное количество свидетельствующих об этом фактов.

Каждый орган печати – и журнал, и газета, - способствует написанию истории своего времени, помогая разъяснению определенных этапов истории народа. В последнее время возрос интерес к изучению материалов периодической печати XX века, и особенно это касается материалов национальной периодической печати, которые были плохо изучены в советский период.

В 40-годы в одной только Ферганской области выходило 14 газет (2 областные, 2 городские и 10 районных)¹. Они хорошо сочетали опубликование местных и центральных материалов. Значительно умножилось число, и улучшилась работа стенных газет, боевых листков, листков молний и фотогазет.

В период Второй мировой войны в Намангане издавались такие газеты, как: “Сталин ҳақиқати” (“Сталинская правда”) и “За Коммунизм”. Деятельность этих газет во время Второй мировой войны можно без всяких преувеличений назвать плодотворной. На страницах этих газет постоянно печатались статьи о героических подвигах нашего народа на фронтах и в тылу.

В первые же дни войны в Узбекистане, как и по всей стране, прокатилась широкая волна массовых митингов и собраний. Их участники-рабочие, колхозники, интеллигенция – единодушно заявляли о своей готовности защищать родную землю до последней капли крови.

¹Аминова Р., Джураев Т. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945). –Т.: Издательство «Фан», 1966. – 122 с.

Газета «Сталин ҳақиқати» («Сталинская правда») издавалась с 1936 года по 1958 год на узбекском языке. Газета выходила ежедневно. Её тираж в этот период возрос до 4 тысяч².

Первыми редакторами газеты являлись Т. Фатхулин, Й.Кораев, а в годы Второй мировой войны и после К.Узоков, С.Тилла, Т.Соатов, С.Отажонов, А.Хамроев и А.Мадумаровы³.

В 1941 году ответственным редактором газеты «Сталин ҳақиқати» был Жонбоев⁴. Под его руководством газета «Сталин ҳақиқати» печаталась почти во все дни недели⁵.

В выпуске газеты «Сталин ҳақиқати» от 5 августа 1941 года было напечатано следующее: «Наша сила - неограниченна. Бешеные враги с каждым днём всё больше узнают и убеждаются в этом»⁶. Вместе со всем народом поднялись на битву и журналисты, они боролись за победу, оружием которых было штык и перо.

Многие сведения о журналистах, которые даже в период Второй мировой войны не прекратили свою деятельность, именно про тех которые внесли большой вклад в развитие, процветание периодической печати Наманганской области, можно найти в документах хранящихся в 796-фонде Государственного архива Наманганской области. В частности, в статье Й.Эгамбердиева «Москвадаги бош мухбиримиз» («Наш главный корреспондент в Москве») посвященной деятельности Р.И.Мяскова, говорится: "...двор на проспекте Мир Москвы известен и дорог очень многим журналистам и наманганцам. Здесь живёт настоящий сын нашего Намангана, один из кипучих агитаторов, ветеран-журналист Рафаэль Иванович Мясков. Его детство, жизнь и трудовая деятельность, в основном, тесно связаны с цветущим нашим городом и судьбами людей с открытой душой"⁷.

В 1944 году, в ответственный и сложный момент продолжения Второй мировой войны, Р.И.Мяскова направили на фронт, чтобы готовить статьи для газеты «Сталин ҳақиқати» на узбекском языке.

На фронте Р.И.Мясков вместе с опытными журналистами, такими как К.Узоков, И.Юсупов, И.Алиев, совместно мобилизовали народ на дело достижение победы. Его отличное знание узбекского народа, языка, культуры, традиций и уважения, очень помогло ему в процессе деятельности. Потом он работал корреспондентом по всему Узбекистану в «Комсомольской Правде», затем в газетах «Советская Россия», «Известия». Но где бы он, ни был, Р.Мясков не забыл великолепный город Наманган и его честный, гостеприимный народ⁸.

И в 1945 году газета «Сталин ҳақиқати» активно работала. Её тираж достиг 6 300 экземпляров. Ответственным редактором стал коллега и друг Р.Мяскова - журналист К.Узоков⁹.

Вторая газета издаваемая в Наманганской области в период Второй мировой войны, это газета на русском языке – «За Коммунизм». Газета печаталась с 1941 года по 1958 год, ответственным редактором был Р.Поммрих¹⁰, после него на этой должности работал Гланштейн.

В настоящее время в фондах Государственного архива Наманганской области храниться сборник томов газеты «За Коммунизм». Согласно сведениям Национальной энциклопедии Узбекистана, данная газета вела свою деятельность, пропагандируя

² «За Коммунизм», 1942.1 январь;

³ ГАНО, Фонд-796, опись-1, дело-44, лист-20

⁴ ГАНО, Фонд-796, опись-1, дело-44, лист-20. Ещё смотрите: «Сталин ҳақиқати», 1941. 5 август

⁵ «Сталин ҳақиқати», 1941. 5 август

⁶ «Сталин ҳақиқати», 1941. 5 август

⁷ Государственный архив Наманганской Области, фонд-796, опись-1, дело-44, лист-20

⁸ ГАНО, фонд-796, опись-1, дело-44, лист-20

⁹ «Сталин ҳақиқати».1945. 14 ноябрь

¹⁰ «За Коммунизм», 1942. 6 январь;

главенствующую идеологию с 1945 года по 1958 года¹¹. Но, по нашим исследованиям стало ясно, что газета «За Коммунизм» начала издаваться с 1941 года.

Именно в этих газетах, постоянной рубрикой была рубрика «Совет информация бюросидан» («От советского информбюро»), где печатались утренние и вечерние новости фронта и тыла¹².

На первых страницах газет публиковались указы Президиума Верховного Совета бывшего СССР и согласно по этим указам печатались непрерывные информации о награждение бойцов за их подвиги в борьбе против фашизма. В частности, в выпуске газеты от 5 августа 1941 года, есть информация о получение Д.А.Зайцевым, И.И. Ивановым, Н.А.Добновым вместе с орденом «Ленина» и медалью «Олтин Юлдуз» («Золотая звезда») звания «Героя Советского Союза»¹³.

На четвертой странице газеты публиковались в основном фото с полей и сражений.

1 января 1942 года на первой странице праздничного выпуска газеты была помещена интересная статья под заглавием «Новогодние подарки защитникам Родины», написанная специальными корреспондентами газеты. Там были сведения, что колхозники Папского района Наманганской области посылали бойцам действующей армии, где бок о бок сражались представители разных национальностей – русские и узбеки, татары, украинцы и белорусы и многие другие, новогодние подарки - сушеные фрукты, орехи, миндаль, урюк, мыло, шерстяные варежки, носки, полотенце, носовые платочки с собственной вышивкой и т.д.

Колхоз «Правда», сельсовета Туда (один из кишлаков Папского района Наманганской области – автор), послал доблестным бойцам Красной Армии 134 кг сахарного урюка, 15 кг кишмиша, много других сушеных фруктов. Колхоз «Сыр-дарья», Сангского сельсовета, послал фронтовикам 260 кг сушеных фруктов, колхоз «Янги-Давлят»-187 килограммов.

На приобретение подарков фронтовикам рабочие и служащие совхоза «Гульбах» внесли свыше 2600 рублей¹⁴.

И сотрудники газеты «За Коммунизм» регулярно освещали на её первых полосах сведения советского информационного бюро под заглавием «От советского информбюро»¹⁵.

В статье А.Викторова «Подвиг Шуры Московцевой» можно было прочитать о волевой и мужественной девушке Шуре, которая, не боясь умереть, разубила минные зоны, в результате чего было обезврежено 800 немецких мин¹⁶.

В годы войны утренние и вечерние новости издавались на узбекском и на русском языках под заглавием «Совет информация бюросидан» и в газете «Сталин хакикати»¹⁷.

6 августа 1941 года печатается следующий номер газеты «Сталин хакикати», со стороны специального корреспондента газеты издаётся статья о колхозниках. Там рассказывается о трудящихся Папского района, которые с целью помощи Красной армии вне плана сажают на 180 гектаров земли овощи, т.е капусту, морковь, кукурузу и т.д.¹⁸

В этой ситуации каждый советский гражданин приходил к мнению: «Что я сделал для обороны страны и что ещё должен сделать?». Это идея без сомнений возрождала в уме каждого гражданина новые формы помощи Красной армии.

Под заглавием «Халк ташаббуси» («Инициатива народа») была дана информация, что труженики Наманганской области как в других территориях бывшего Советского Союза

¹¹ «За Коммунизм», 1942. 1 январь; Ещё смотрите: Узбекистон Миллий Энциклопедияси.-Т.:Давлат илмий нашриёти, 2000.-Б.258

¹² «За Коммунизм», 1942. 3 январь

¹³ Смотрите: «Сталин хакикати», 1941. 5 август.

¹⁴ «За Коммунизм», 1942.1 январь;

¹⁵ «За Коммунизм», 1942. 1 январь;

¹⁶ «За Коммунизм», 1942. 4 январь;

¹⁷ «За Коммунизм», 1942. 3 январь

¹⁸ «Сталин хакикати», 1941. 6 август

одобряли идею о создании оборонительного фонда и защиты, они готовы были предоставить свои богатства¹⁹.

В статье А. Мирзаева «Бурчимизни жанговорлик билан бажарамиз» («Выполним долг с мужеством») призывалась к выполнению государственного плана с излишком²⁰.

В статье И.Саодатхонова под заглавием «Ватан мудофааси учун ишлаймиз» («Будем работать за оборону страны») дана информация о том, что даже престарелые взялись за работу на колхозах. В частности, как 63 летняя Улугбиби Каюмова, 61 летняя Умихонбиби Узокова, 58 летняя Мастурабиби Усмонова выполняли свою работу на полях на 1,5-2 раз больше.

Также в газете издавались статьи интересные и богатые фактическими информацией такие, как «Чуст мехнаткашларининг иродаси» («Воля тружеников Чуста») М.Мусаева, «Бизни максадимиз душман устидан галаба козонишдир» («Наша цель одержать победу над врагом»), «Чакирилувчилар рус тилини урганмоқдалар» («Призывники изучают русский язык») М.Тожибоева и «Киз-жувонлардан механизация кадрлари таёрланмоқда» («Из девушек и молодых женщин готовят кадры механизации»)²¹.

В годы войны статьи с такими тематиками издавались во всех выпусках газеты. Это говорит о том, как оперативно и продуктивно работали сотрудники Наманганской прессы.

Стать журналистом - это не значит сходить туда или сюда, увидеть, выбрать, написать, но и жить своеобразно, - говорил М.Кольцов.

В подведение итога можно сказать, что сотрудники Наманганской прессы в период Второй мировой войны работали более активно и мобилизовали народ на сближение моментов великих Побед.

Этой работой в очередной раз подтверждается возможность использования периодической печати в качестве основного, самостоятельного исторического источника.

УДК: 9

ЁШЛАРДА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

М. Вохидова, доц., Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада толерантликнинг ижтимоий-ахлоқий жараёндаги роли, миллий хусусиятлар ва умуминсоний қадриятлар билан қай даражада боғлиқлигини кўрсатиш муаммонинг муҳим назарий-методологик жиҳатлари кўрсатилган. Шунингдек ёшларнинг ижтимоий-ахлоқий шаклланишида бағрикенгликнинг муҳим жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: толерантлик, парадигма, плюрализм, фуқаролик жамияти, ахлоқий бағрикенглик, ижтимоий фаоллик, инсонпарварлик, қадриятлар.

Аннотация. В данной статье освещаются важные теоретические и методологические аспекты толерантности, её роль в социально-нравственной сфере, связь с национальными особенностями и общечеловеческими ценностями. Также освещаются важные аспекты толерантности в социально-нравственном формировании подрастающего поколения.

Ключевые слова: толерантность, парадигма, плюрализм, гражданское общество, нравственная толерантность, социальная активность, гуманизм, ценности

Abstract. This article discusses about importance of theoretical and methodological aspects tolerance, its role of socio-moral sphere, its relationship connection with national characteristic and

¹⁹ «Сталин хакикати», 1941. 6 август

²⁰ «Сталин хакикати», 1941. 6 август

²¹ «Сталин хакикати», 1941. 6 август

universal values. There is also about important aspects of tolerance in the socio-moral formation of the younger generation.

Keywords: *Tolerance, paradigm, pluralism, civil society, moral tolerance, social activity, humanism, traditions.*

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг ижтимоий-ахлоқий ҳолати миллий ҳаётнинг асосини ташкил этувчи маънавий-ахлоқий парадигмалар билан боғлаб, “Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг хал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.”[1]- деб ўз маърузасида ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бугунги мураккаб ва глобаллашувнинг тезлашуви натижасида ёшларнинг ижтимоий-ахлоқий шаклланиши мураккаб ва серқирра тарбиявий жараён бўлиб, бир қатор омилларга бевосита боғлиқдир. Булар ичида бағрикенглик ҳодисаси алоҳида аҳамият касб этиб, ҳозирги замонда рўй бераётган ижтимоий-ахлоқий жараёнлар ва қадриятларни бирлаштирувчи муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Толерантлик принципнинг БМТ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар даражасида қабул қилинаётган бир қатор муҳим ҳужжатларда мустаҳкамланганлиги, 16 ноябрнинг “Халқаро толерантлик куни” деб эълон қилинганлиги ушбу муаммонинг глобаллашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Ёшларда толерантлик онги, тафаккури ва ахлоқ-одобини шакллантириш нуқтаи-назаридан, уларни ижтимоий-ахлоқий юксалтиришни таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим ўрин тутаяди ва бир неча омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ҳуқуқий-ижтимоий ислохотларнинг мураккаб ва яхлит мажмуида баркамол авлодни тарбиялаш вазифасига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг барпо этилиши ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фаровонлик, инсоннинг маънавий камолотга етиши, кўп миллатли ва кўп динли жамиятимизда ҳуқуқ ва манфаатларни янада уйғунлаштириш, халқаро экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларини бартараф этишга қаратилган. Бу эса баркамол ёшларни тарбиялаш омиллари тизимидаги толерантликдек мураккаб ҳодисанинг мавқеини янада оширади.

Учинчидан, ўзбек миллатининг табиатига хос бўлган эзгулик, бағрикенглик, сабр-тоқат, меҳр-оқибат, хайрихоҳлик каби фазилатларни янада ривожлантириш халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклашнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, ёшларда толерантликни шакллантириш ва юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида, ёшларимиз халқимизнинг бу фазилатларини нафақат маънавий мерос сифатида қабул қилишлари, балки маънавий-ахлоқий анъаналаримизни янада бойитиб, жамиятимизнинг турмуш тарзига айлантиришлари лозим.

Тўртинчидан, ёшларнинг ижтимоий-ахлоқий юксалишини толерантлик нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш ундан фуқаролар ўртасида кечиримлилик, муросаи мадора муҳитини яратишнинг муҳим омили сифатида фойдаланишга қаратилган. Зеро бу ҳолатда, толерантлик бошқа хилма-хил (плюралистик) фикрлар, эътиқод ва маданиятлар, хулқ-атвор, ахлоқий қадриятларни менсимаслик, уларга нисбатан тоқатсизликни бартараф этиш механизми сифатида ишлатиладиган ижтимоий-ахлоқий меъёр ва принциплар тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб, халқимизнинг тарихан шаклланиб келган турмуш тарзи, миллий, минтақавий ва умуминсоний даражалардаги маънавий эҳтиёж ва интилишлар талабларига тўлиқ жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, маълум мафкуравий сабабларга кўра собиқ Иттифоқда толерантлик муаммоси махсус илмий тадқиқ этилмаган. Ўзбекистон халқларининг тарихан шаклланган инсонпарварлик анъаналари, бой ижтимоий-фалсафий мероси таъсирида ўзбекистонлик файласуфларнинг ўша даврдаги расмий мафкуравий чегаралардан маълум даражада чиққанликлари академик И. М. Мўминовнинг бир қатор асарларида ўз аксини топди. Кейинчалик толерантлик муаммосини ўрганиш учун ўша вақтдаёқ муайян концептуал замин яратилган эди.

Мустақиллик кўлга киритилиши билан Ўзбекистоннинг таниқли олимларидан М. М. Хайруллаев, С. Ш. Шермухаммедов, Ғ. Н. Нажимов, И. М. Жабборов каби бир қанча олимларимиз ўзларининг илмий ишларида халқимизнинг инсонпарварлик анъаналари, маънавий қадриятлар ривожланишининг диалектикасини ўрганиб, толерантлик муаммосининг маълум жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтганлар. Шунингдек, толерантликни маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида ўрганишда Х. О. Шайхова, З.Р.Қодирова, Э. У. Умаров, Ф. Б. Загиртдинова, А. Шеров ва бошқаларнинг ахлоқшунослик муаммоларига оид махсус тадқиқотлари ҳам муҳим концептуал-методологик аҳамият касб этади.

Ёшларнинг (таълим йўналиши бўйича) ижтимоий фаоллиги ва толерантлиги муаммосининг бир қатор жиҳатлари бир гуруҳ олимларимиз томонидан махсус ўрганилган.

Халқимизнинг маънавий-тарихий анъаналарининг ҳозирги замон воқелигини шакллантиришдаги ролини кўрсатиш зарурати толерантликнинг ижтимоий-ахлоқий жараёндаги роли, миллий хусусиятлар ва умуминсоний қадриятлар билан қай даражада боғлиқлигини кўрсатиш муаммонинг муҳим назарий-методологик жиҳатларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетақрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади. Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўпмиллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради” [2].

Ёшларда толерантлик онги, тафаккури ва ахлоқ –одобини шакллантириш, уларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан юксалтириш ҳозирги давр талабига айланиб бормоқда.

“Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.

Масалага айнан шундай ёндашиш мамлакатимизда ёшларни ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда толерантлик омили самарали амал қилиши учун зарур воситаларни аниқлашга имкон беради. Бироқ толерантликнинг шаклланиш ва ривожланиш омили бўлган ижтимоий-тарихий воқелик, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги ҳолати тарихий ва ҳозирги замон ижтимоий воқелигининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги замонда бағрикенглик ғояларини ривожлантириш учун Форобийнинг кишилик жамиятининг келиб чиқиши, мазмуни ва моҳияти ҳақидаги таълимоти катта аҳамиятга эга.

Атокли форобийшунос олим академик М. М. Хайруллаев ёзганидек, “Форобий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юритар экан, зўравонлик ва мажбурлаш таълимотини инкор этиб, инсон жамоасининг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёж ётганлиги ҳақидаги назарияни олға суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлашишга, жамоага уюшишга, ўзаро ёрдамга олиб келади. Ана шу ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёж қондирилади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради”[3].

Форобий таълимоти бўйича одамлар ирқий, ижтимоий, миллий, руҳий, катта жуғрофий хусусиятлари туфайли ҳар хил динларда бўлишлари мумкин, лекин уларни бирлаштирадиган мақсад бахт-саодатга эришишдир, бу эса уларнинг умуминсоний хислатларини, уларга асосланган умуминсоний кадриятларни белгилайди. Форобийнинг куйидаги хулосаси айнан ҳозирги замон терроризми ва диний экстремизмига қарши қаратилган, деб айтсак бўлади: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо инсонийликдир, шу туфайли одамлар одамзод туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”[4]. Форобий бағрикенгликнинг ушбу назарий-концептуал асосларини ишлаб чиққанлиги жаҳон фалсафасининг кейинги ривожланишида, бағрикенглик ғояларининг қарор топишида катта роль ўйнади.

Форобий таълимотида ижтимоий ва шахсий бағрикенглик муаммоларининг нафақат юқорида ёритилган назарий-концептуал, балки услубий-амалий жиҳатлари ҳам ўз аксини топган. Ижтимоий бағрикенгликни ўрнатиш услубий-амалий чоралари, унинг назарида, жамиятни бошқариш услуб ва воситалари, илм-фаннинг аҳамиятини ошириш, жамиятда маърифатни кенг тарқатиш, дин, хусусан исломнинг аёл ва ҳақиқий бағрикенглик руҳида бўлган ва зўравонликка қарши қаратилган ғояларини тарғиб қилиш ва бир неча бошқа услубий-амалий чоралари чуқур ишланган. Алломанинг бағрикенгликни ўрнатиш ҳақидаги таълимотида инсоннинг шахсий бағрикенглиги ва зўравонликка қарши йўналтирилган эътиқоди таркибий ва ажралмас қисмни ташкил қилгани учун, шу билан боғлиқ чора-тадбир ва усуллар ишлаб чиқилган. Улар инсон маънавиятини бағрикенглик руҳида шакллантириш, бунда уни ўқитиш ва тарбия қилиш жараёнларидан унумли фойдаланиш, зўравонликка берилмаслиги учун уни касб-хунарларга ўргатишга катта эътибор бериш, бошқа халқлар ва динларга мансуб одамларга ҳурмат билан қарашни ўргатиш ҳамда шахсий бағрикенгликни ривожлантиришнинг кўпгина бошқа усул ва йўллари камраб олади. Буларнинг аксарият бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Бағрикенгликнинг энг ёрқин ифодасини илм-фан соҳасида, хусусан Муҳаммад Хоразмий, Фарғоний каби алломаларнинг илмий фаолиятида кузатиш мумкин. Улар қаторида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам ўзига хос ўрин тутган. Олимнинг дунёқараши ўз даврида кенг тарқалган қадимги юнон фалсафаси, шунингдек Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Бақр ар-Розий ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган мутазилийлар таъсирида шаклланди.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг бағрикенглиги аввало шундан билинадики, улар қадимги юнон файласуфлари, асосан Арасту асарларида кўтарилган ғоя ва масалаларни ўз даври ва шароитига мослаб такомиллаштирганлар. Хоразмий диққат-эътиборини фанларни, айниқса фалсафани ўрганишга қаратган. У “Мафотиҳ ал-улум”да ўрта асрлардаги фанларнинг ривожланиши ва ҳолатини анча мукамал акс эттирган. “Илмлар калитлари” ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўша даврдаги асосий илмнинг деярли ҳамма соҳаларини камраб олган. Муаллиф асарда ўз давридаги ҳар бир фаннинг мазмунини унинг атамаларини шарҳлаш орқали тушунтириб беради. Ушбу асарда фалсафа, мантиқ, тиб, илму нужум, мусиқа ва бошқа даврда юқори даражада ривожланган фанларни маълум тартибга тушириш, яъни таснифлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Фикримизга яқун ясар эканмиз, бугунги кунда глобаллашув жараёнлари мамлакатимизда асосий демократик қоидаларни амалга ошириш омилларидан бири, жумладан объектларидан бири бўлиб, ижтимоий-ахлоқий толерантлик замонамизнинг

долзарб вазифаси сифатида ёшларда маънавий-ахлоқий кадриятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида ёшларда сабр-тоқатлиликни, чидамлиликни, ахлоқий бағрикенгликни шакллантириш ва ривожлантириш давр талабадир, десак муболаға бўлмас.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т. «Ўзбекистон»,2016-Б.13
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т. «Ўзбекистон»,2016-Б13
3. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 49.
4. Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города // Григорян. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. – М., 1960. – С. 158

ЎУК: 930.85

АХСИКЕНТДА ТУРИЗМ ВА МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

И. Омонов, ўқитувчи, Наманган давлат университети, Наманган

Аннотация: Ушбу мақолада Ахсикент мажмуасида ва унинг атрофларида ривожлантирилиши мумкин бўлган туристик соҳалар ҳақида фикр билдирилган.

Калим сўзлар: Туризм, ёдгорлик, Ахсикент, дарё, археология, маданий мерос, бренд, иқтисодиёт, музей туризми, агро туризм, зиёрат.

Аннотация: В этой статье говорится о туристических областях, развитие которых возможно в комплексе Ахсикент и его окрестностях.

Ключевые слова: Туризм, памятник, Ахсикент, река, археология, культурное наследие, бренд, экономика, музейный туризм, агро туризм, посещение.

Annotation: this article gives an idea of the tourist areas that are mumikn to be developed in and around Axsikent complex.

Keywords: Tourism, monument, Axicent, river, archeology, cultural heritage, brand, economy, Museum tourism, agro tourism, pilgrimage.

2017 йилнинг 16 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 831-сонли қарори қабул қилинган[1]. Ушбу қарор асосида мажмуани сақлаш, унинг иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги муассислигида давлат унитар корхонаси шаклидаги “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси ташкил этилган.

Юқоридаги қарорда мажмуада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкалини ўрнатиш, турли тарихий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган меъморий ансамблни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланган. Шунингдек, тарихий-илмий асослар бўйича қадимий Ахсикент шаҳрининг макетларини тайёрлаш, археология ашёлари, қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар. осори-атиқалар, замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар каби бошқа манбалар ҳисобидан музейлаштирилган экспозиция-кўргазма яратиш, юқори технологияларга асосланган ахборот-ресурс маркази фаолиятини самарали йўлга қўйиш, туристлар, илмий тадқиқотчилар ва ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, тарихий

кўринишни сақлаган ҳолда мажмуанинг муҳофаза ҳудудидан ташқарисида замонавий комплекс дам олиш масканларини ташкил этиш ва мажмуанинг туристик салоҳиятини ошириш юзасидан бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланган. Шулардан келиб чиққан ҳолда мажмуада оммавий тадбирларни ташкил қилиш, сайллар уюштириш, миллий-тарихий байрамларни ўтказиш ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Аввалом бор ушбу тадбирларни ўтказиш учун, мажмуанинг тарихий ёдгорлик эканлигидан, тарихий-маданий мерос функциясини бажариш омилидан фойдаланиш мумкин. Бу ўринда шаҳар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни билиб олоқ лозим бўлади.

Ахсикент Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорлик. Шаҳар эрамиздан аввалги III-асрда ташкил топган бўлиб, 1621 йилги зилзилада вайронага айланган [2]. Фарғона водийсининг энг қадимги пойтахти, сиёсий, маданий, иқтисодий маркази ҳамда Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Ер ости сув иншоотининг мавжудлиги ва шаҳарнинг муҳофаа учун қулай географик ўринда жойлашганлиги Ахсикент шаҳарсозлигидаги ўзига хос жиҳатлар ҳисобланади. Бу ерда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг шишасозлик ва керамика, металлургия ва қуролсозлик каби соҳалари ривожланган [3]. Ахсикент милoddан аввалги асрларда, ҳамда VII-X ва XV асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсининг пойтахти вазифасини ўтаган. Археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, ҳарбий казарма хоналари, жомъе масжиди, муҳофаа деворлари, ер ости ирригация тизими иншоотлари, ҳунармандлар маҳалласи, хукмдор қароргоҳи-Арк, ички шаҳар (Шаҳристон)қазиб ўрганилган.

Ахсикент олимлари: Жаҳон илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган 30 дан ортиқ олимлар етишиб чиққан. Машҳурлари: Асируддин Ахсикатий “Шоирлар шоҳи” унвонини олган (XII аср), Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Сўфий Ахсикатий “Фазилатлар соҳиби” унвонини олган, Абу Рашод Ахсикатий “Мақтовга сазовор хислатлар эгаси” унвонини олган, Сайфиддин Ахсикатий тарихчи олим, машҳур Ислому ҳуқуқшуноси Ҳусомуддин Ахсикатий “Муқайяд мужтаҳид” унвонига сазовор бўлган, Мавлоно Поянда Охун Ахсикатий “Муршиди комил” дея улуғланган[4].

Ахсикент ҳақида кўплаб Шарқ ва Европа олимлари асарлар ёзганлар. Масалан, Балазурий, ал-Муқаддасий, Ёқут ал-Ҳамавий, ибн Ҳавқал, ибн Ҳўрдодбеҳ ва бошқалар[5]. Россия ва Европалик тарихчи ҳамда археологларидан Шарль-Эжен де Уйфальви, Н.Веселовский, И.Кастанье, В.Бартольд ва бошқалар.

Мазкур ҳудудда миллий байрамларимиздан “Наврўз”, “Янги йил”, “Мустақиллик”, Рамазон ва Қурбон ҳайити каби байрамларни ўтказиш, “Ширинлик байрами”, “Қовун сайли”, “Анор сайли”, турли хил юбилейларни ўтказиш мумкин. Масалан, А.Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темурнинг таваллуд айёмларига бағишланган кечаларни ташкил қилиш мумкин. Шу билан бирга мажмуада тарихий саналарга бағишланган турли хил тадбирларни ҳам ташкил этиш мумкин. Келгусида бу ерда аҳолининг маданий дам олиши, хордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳам кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиққан ҳолда, мажмуани халқаро туризм масканларидан бирига айлантириш ҳам дирекциянинг режасидаги вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қароридан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги ва Маданият вазирлиги мажмуага маҳаллий ҳамда хорижий зиёратчилар ва сайёҳларнинг кенг қўламли ташрифларини ташкил этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўриши лозимлиги уқтириб ўтилган. Бу борада “Туризм — иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда”,-деган эди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев. Туризм кўп тармоқли соҳа бўлиб, бугун мамлакатимизда унинг кўплаб йўналишлари кенг тараққий этмоқда. Ахсикент мажмуасида туризмнинг қуйидаги шакллари ташкил этиш мумкин:

-Тарихий туризм;

- Эко туризм;
- Дарё туризми;
- Диний туризм;
- Музей туризми;
- Агро туризм;
- Тоғ туризми ва ҳ.з.

Ўзбекистонга хорижий туристларнинг жалб қилинишидаги асосий омиллардан Буюк Ипак йўли билан боғлиқ тарихий-маданий мероси туфайли келувчи туристлар 81% ни, Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги маъқуллаб ташриф буюрувчилар 89% ни ташкил қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан катта эътибор қаратиб келинмоқда. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, биргина 2018 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризм соҳасига оид 4 та фармойиши, 6 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг эса 11 та қарори, 2 та фармойиши эълон қилинди [6]. Ахсикентда Агротуризмни ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Масалан, бу борада “Ахсикент” брендини шакллантириш лозим. Яъни, Ахсикент қовунлари (қовун сайли); Ахсикент кулупнайи (кулупнай сайли); Ахсикент узумлари (узум сайли); Ахсикент қандолатчилиги (замонавий қадоқлаш масалалари); Ахсикент қиличлари (қилич, ханжар, пичок); Ахсикент анорлари (анор сайли) [7].

Туризмни ялпи меҳнат маҳсулотига қўшадиган улушини қуйидаги мисоллардан ҳам билса бўлади. Франция ЯММ 7% туризм ҳиссасига тўғри келиб, 1 млн.дан ортиқ киши шу соҳада фаолият юритади. Мамлакат халқаро туризмдан 40 млрд. долларга яқин соф даромад олади.

Шунингдек қуйидаги мамлакатларда даромадларнинг 50% дан ортиғи туризмдан келади: Макао (89,5%), Антигуа и Барбуда (75,8%), Ангилья (71%), Аруба (70%), Мальдивлар (61,3%), Сейшель (54,5%) ва Багам ороллари (53,6%). Айрим мамлакатларда туризмдан келадиган даромад жуда катта суммани ташкил қилади. Масалан, Грецияда туризмнинг иқтисодиётга қўшадиган умумий қиймати 37,5 миллиард еврога тенг. Бу айни пайтда ЯИМнинг 20% и демакдир[8]. АҚШга ҳар йили 80 млн турист ташриф буюради. Санкт-Петербург шаҳри даромадлари тизимида эса туризмнинг салмоғи 10%ни ташкил қилади.

Бугун мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ҳам долзарб масалага айланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февраль Қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарорга мувофиқ "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастури эълон қилинди [9]. Республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмни миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралди ПҚ-3509 “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Шу ўринда Ахсикентда ички ва халқаро туризмни ривожлантириш айни пайтда мажмуада олиб бориладиган маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Туристлар, зиёратчиларнинг мазмунли дам олишларини ташкил қилиш, уларга намунали сервис хизматини кўрсатиш ўз ўрнида ижтимоий-маданий соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 831-сонли Қарори //Халқ сўзи, 2017 йил, 17 октябрь.
2. Қозоқов Т. Акси Фарғона шаҳарларининг онаси.-Тошкент: Наврўз, 2018. -Б. 8.
3. Анарбаев А. Ахсикент- столица древней Ферганы.-Ташкент: Тафаккур, 2013. -С.29.

4. Абдулахатов Н. Поянда Муҳаммад Ахсикатий//“Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсикент шаҳрининг ўрни” мавзусидаги I халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Наманган, 2018 йил 12 июнь. -Б.17-21.
5. Қозоқов Т. Аҳси Фарғона шаҳарларининг онаси.-Тошкент: Наврўз, 2018. -Б. 6.
6. Туризм в Узбекистане 2018 (Сборник).- ООО «MITRA TRAVEL» по заказу Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма Номер регистрационного свидетельства № 10-4152 of 07.05.2018, зарегистрировано в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан.-Ташкент, 2018. - С.5.
7. Усманов Ш. Ахсикент как туристический объект//“Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсикент шаҳрининг ўрни” мавзусидаги I халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Наманган, 2018 йил 12 июнь. -Б.15-21.
8. <https://ria.ru/20190506/1553304200.html>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3514-Қарори “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”//Халқ сўзи, 2018 йил 7 февраль.

ЎУК: 930.85

ЖАНУБИЙ СЎҒД МУДОФАА ИНШОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ (ИЛК ТЕМИР ДАВРИ МИСОЛИДА)

А.Т. Очиллов, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

А.З. Аббосов, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада илк темир давридаги Жанубий Сўғднинг мудофаа иншоотлари, илмий манбалар ва археологик тадқиқот натижалари асосида таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Жанубий Сўғдиёна, илк темир даври, шаҳарсозлик, мудофаа деворлари, археологик тадқиқотлар.

Аннотация. Эта статья была проанализирована на основе находок оборонительных сооружений, научных источников и археологических исследований южно-согдийского раннего железного века.

Ключевые слова: Южная Согдиана, ранний железный век, градостроительство, оборонительные стены, археологические исследования.

Annotation. This article was analyzed on the basis of finds of defensive structures, scientific sources and archaeological research of the South Sogdian Early Iron Age.

Keywords: South Sogdiana, Early Iron Age, urban planning, defensive walls, archaeological research.

Маълумки, сўнги бронза ва илк темир даврининг дастлабки босқичига келиб, Сўғдиёнанинг жанубий ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик маданияти қарор топа бошлаган. Сўғдиёна ҳудудларида илк темир даврига оид ёдгорликлар бир хил суратда ривожланмаган. Бу даврга оид ёдгорликлар Жанубий Сўғдда кўпроқ тарқалган ва яхши ўрганилган [1].

Милоддан аввалги VIII асрнинг охири - VII аср бошларга келиб Бактрия ва Сўғдиёна ҳудудларида ўзида шаҳарсозлик белгиларини (мустаҳкам деворлар, саройлар, буржлар, хандақлар, девордаги ўқ отиш йўлаклари ва бошқ.) акс эттирувчи манзилгоҳлар пайдо бўлган.

Илк темир даврига оид бундай манзилгоҳларнинг сони Бактрия, Марғиёна ва Сўғдиёнада 20 тадан зиёдроқни ташкил этади [2]. Асосий манзилгоҳлар эса (майдони 5 гектардан кам) кишлоқ қўрғонлари, унча катта бўлмаган алоҳида қалъалар ва деҳқончилик кишлоқларидан иборат бўлган.

Қарши воҳасидаги Ерқўрғон Китоб тумани ҳудудидаги Узунқир ва Сангиртепа каби ёдгорликлар илк темир даврига оид ҳисобланиб бу ёдгорликлар бошқа ёдгорликларга нисбатан анча яхши ўрганилган.

А.С.Сагдуллаевнинг маълумотларига кўра илк темир даврига келиб Жанубий Сўғд воҳасида тўртта ўтроқ деҳқончилик мазилгоҳлари шаклланганлиги таъкидланган. Булар Шўрабсой (Сангиртепа, Узунқир, Подаётқтепа, Шўроб), Танхосдарё (Янгитепа, Номсизтепа, Жартепа, Сарой), Қизилдарё (Чироқчитепа, Дараттепа) ва Ерқўрғон воҳаларидир [3].

Ўрта Осиёнинг Жанубий Сўғдаги маданий-иқтисодий марказлардан бири қадимги Ерқўрғон шаҳридир. Ерқўрғон манзилгоҳи Қарши шаҳридан 10 км шимолда Қашқадарё этакларида жойлашган. Бу ердаги дастлабки археологик кузатувлар И.А.Кастанье ва Л.А. Зимиалар томонидан олиб борилган [4]. Шунингдек, Ерқўрғон шаҳрида А.И Териножкин (1947), С.К.Кабанов (1950), М.Е.Массонлар (1973) ҳам тадқиқот ишларини олиб боришган, лекин тадқиқотчиларнинг барчаси ёдгорликка умумий тавсиф бериб ўтишган. Ёдгорликнинг муҳофаа иншоотлари тўғрисида маълумотлар берилмаган.

1973 йилда Р.Х. Сулейманов томонидан Ерқўрғонда кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб борилди [5]. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, шаҳар икки қатор мустақкам муҳофаа девори билан ўралган бўлиб, шаҳарнинг биринчи муҳофаа девори мил.авв. VII асрда барпо этилганлиги аниқланди.

Миллоддан аввалги VI асрда шаҳар анча кенгайиб, бугунги кунгача сақланиб қолган ички девор билан ўраб олинган. Ички деворнинг умумий майдони 35 гектар бўлиб, ичкарида асосан жамоа ва хўжалик иншоотлари қурилган. Мил.авв. III-II асрда шаҳар нотекист тўғрибурчакли умумий майдони 150 га бўлган ташқи девор билан ўралган [6].

Миллодий IV асрга келиб ҳар иккала девор ҳам тўлиқ таъмирланади. Шаҳарнинг қурилиш архитетурасига эътибор берадиган бўлсак, шаҳар ичидаги айрим қурилиш иморатлари ташқи девор билан қўшилиб кетганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат асосан шаҳарнинг жанубий қисмида кузатилади. Шаҳарнинг шимолий ва ғарбий томонларида бу ҳолат кузатилмайди. Манзилгоҳ атрофида сақланиб қолган тепаликларнинг ўрганилиши натижасида деворнинг умумий узунлиги 4600 метрдан иборат эканлиги аниқланган.

Деворнинг жанубий – ғарбий ва шимолий қисмлари вақт ўтиши натижасида вайрон бўлган. Деворнинг қолган қисмлари бир мунча яхши сақланган. Даврлар ўтиши билан ташқи табиий шароит таъсирида деворлар нураб тепаликлар ҳосил қилган. Қадимги шаҳарнинг ташқи деворида бир нечта дарвозалар бўлган. Бироқ дарвозаларнинг кўпчилиги бузилиб кетганлиги сабабли уларнинг аниқ сонини айтиш қийин [7].

Қадимги Ерқўрғон шаҳрининг ички девори нотўғри улкан беш бурчакли режа асосида қурилган бўлиб, умумий узунлиги 2 км ни ташкил этган. Девор бирор маротаба қайтадан таъмирланмаган. Ҳар бир деворлар тугаган жойда иккитадан кам бўлмаган дарвозалар бўлган. Шундай дарвозалардан бири шарқий томонда, шимолий бурчакка яқин жойлашган бўлса, бошқаси ҳам шу томонда жанубий-шарқий бурчакка яқин жойлашган. Бундан ташқари деворнинг жанубий томони анча чўккан бўлиб, С.К.Кабановнинг фикрича шаҳарга шу томондан сув келтирилган [8].

Агарда ернинг тузилиш рельефига эътибор берадиган бўлсак, шаҳарнинг ички девори ҳандақ билан ўралган. Муҳофаа тизими ва иншоотлари мустақкам ва баланд бўлган. Деворнинг ташқи тарафидаги конуссимон тепаликлардаги деворда минора бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Бу тепаликлар орасидаги масофа 22 метр бўлиб, уларнинг умумий сони 60 тани ташкил қилган. Бироқ шаҳар ички деворидаги айрим миноралар бошқа миноралардан катталиги билан ажралиб турган. Деворнинг жанубий шарқидаги тухумсимон режа асосида қурилган минорани мисол қилишимиз мумкин. Миноранинг юқори юзаси ҳажми 30x20м майдонни эгаллаган.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, шаҳар муҳофаасининг энг муҳим элементларидан бири деворнинг шимолий қисми ўртасида ички тарафдан туташтириб қурилган қўрғондир. Қазил ишларига қадар цитаделнинг юқори қисми тўртбурчак шаклидаги тепалик кўринишида бўлиб, баландлиги 11-12 м, юқори қисми майдони 70x70 м, пастки тарафи 90x90 м бўлган.

VIII-VII асрларга оид муҳофаа девори ўрни сақланган. Мил. ав. VI асрда шаҳар майдони кенгайтирилиб, янги муҳофаа девори билан ўраб олинади. Ички томондан ҳашаматли маъмурий бино барпо этилади ҳамда темирчилар маҳалласи пайдо бўлади. Ушбу

даврга оид арк излари аниқланмаган. Кўриниб турибдики, Ерқурғон ёдгорлигининг илк темир даври мудофаа тизими ҳам даврлар ўтиши билан такомиллашиб, мудофаа деворлари мустақкам ҳолатга келганлигини гувоҳи бўламиз.

Жанубий Сўғдадаги маданий-иқтисодий марказлардан бири бўлган Ерқурғоннинг бу даврдаги майдони 34 га, манзилгоҳнинг куйи қатламида мил. ав. VIII-VII асрларга оид мудофаа девори ўрни сақланган. Мил. ав. VI асрда шаҳар майдони кенгайтирилиб, янги мудофаа девори билан ўраб олинади. Ички томондан ҳашаматли маъмурий бино барпо этилади, ҳамда темирчилар маҳалласи пайдо бўлади. Ушбу даврга оид арк излари аниқланмаган.

Воҳанинг дастлабки марказий шаҳри эр.ав. VIII-VII асрларга келиб илк марта ҳимоя деворлари билан ўралди. Бу девор кейинчалик бузилиб кетган бўлиб, унинг қолдиқларини кулоллар маҳалласининг энг куйи қисмидан топишга эришилди. Эр. ав. VI асрда шаҳарлар кенгайиб, янги девор қурилган. Эски девор шаҳар ичида қолиб кетди ва кераксизлиги туфайли кулоллар томонидан сопол идишлар тайёрлаш учун лой сифатида ишлатила бошланди.

Шунингдек, бу ерда Ерқурғон шаҳри тарихининг интиҳосигача фаолият кўрсатган кулоллар маҳалласи пайдо бўлди. Қадимги девор, аниқроғи, унинг қолдиқлари эрамизнинг бошларига келиб, кулоллар маҳалласи маданий қолдиқлари остида кўмилиб кетди. Ерқурғонда қадимий девор, аниқроғи унинг қолдиқлари эрамизнинг бошларига яқин кулоллар ҳудуди маданий қатлами остида тўлиқ кўмилиб қолган эди. Эрамиздан олдинги I минг йилликнинг ўрталарида шаҳар тобора кенгайиб борган. Янги ҳимоя деворларининг баъзи ерлари 8 метргача баландликни сақлаб қолган бўлиб, асоси 3 метр қалинликка эга бўлган. Қалин ва баланд деворлар шаҳарни сак отлиқларидан ҳимоя қилар, аммо девор бузувчи қуроолларга қаршилик қилолмас эди. У 40 гектар майдонга яқин ҳудудни ўраб олган.

ТошДУ Ўрта Осиё археологияси кафедрасининг 1976-1979 йилларда А.С.Сағдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотлари натижасида Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмида бир қатор илк темир даври ёдгорликлари ўрганилган.

1981-1984 йилларда Н.И. Крашенникова бошчилигидаги экспедиция томонидан Шўроб дарёсининг ўрта оқимида милоддан аввалги I минг йиллик биринчи ярмига оид Подаётоттепа, Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари тадқиқ қилинган. Ушбу ёдгорликларда мудофаа деворларини ўрганиш борасида тадқиқотлар амалга оширилди. 1986 йилдан бошлаб ТошДУ археологлари томонидан Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликларини ўрганиш борасидаги ишлар яна давом эттирилган [9].

Узунқир шаҳар харобаси Зарафшон тизмасидан бошланган Шўробсой бўйида ҳозирги Китоб туманининг Кўмиртепа қишлоғида жойлашган. 1981 йилда ТошДУ Ўрта Осиё археология кафедраси экспедицияси ходимлари томонидан топиб текширилган. Узунқир ўрнида милоддан аввалги VIII-VII асрларда қадимги манзилгоҳ бўлган. Милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб 70 гектар майдонни эгаллаган. 1983 йилда Узунқир мудофаа деворининг сақланиб қолган қисмида Н.И.Крашенникова томонидан тадқиқотлар ўтказилган [10]. Узунқир Сўғдиёнанинг (Китоб тумани) илк темир давrigа оид маданий марказларидан бири майдони 70 га. Ҳозирги пайтда 450 метрдан иборат мудофаа девори сақланиб қолган. Мудофаа деворининг пастки қисми гувала, юқори қисми эса пахса ва хом ғиштда кўтарилган. Деворнинг қалинлиги 1,85 метр бўлган. Мудофаа девори ташқи томонидан тўғри бурчакли минора- буржлар билан кучайтирилган бурж ва деворда жанговар ва «алдамчи» шинаклар мавжуд.

Мудофаа деворининг гувала ва пахсадан қурилган қисми тахминан мил. ав. IX-VII асрларга оид ҳисобланади. Асосий девор ва буржлар кейинги даврда бунёд этилади. Кейинчалик эса биринчи деворга туташ қилиб, 1,6 м. қалинликда иккинчи девор қурилади ва умумий қалинлиги 3, 5 метрга етади. Учунчи даврида 1,2 м. қалинликда яна бир кўшимча девор қурилади. Шаҳарда топиб текширилган сопол идишлар икки гуруҳга бўлинади. Кулолчилик чархида ясалган нақшсиз идишлар. Улар коса, товоқ, хумчалардан иборат.

Кўлда ишланган идишлар геометрик ва эгри чизиклар билан нақшланган. Нақшли идишлар Қашқадарёнинг тоғолди ҳудудларидан ҳам топиб текширилган [11].

Узунқир мудофаа деворининг жанубий қисмида олиб борилган қазималар жараёнида деворнинг олдинги баландлиги 6 м, қалинлиги асосида – 26 м, нураб тушган қисми ташқи томонида 5 м, ички томонида 4 метрга тенг бўлган. Девор ташқи томонини тозалаш давомида тўғри бурчакли режага эга бўлган буржи очилиб, унинг ичида хона мавжуд бўлган. Буржнинг барча деворларида ташқи томондан тўртбурчак шаклидаги ярим устунлар бўлганлиги аниқланган. Бундай ярим устунлар жанубий деворда иккита, ғарбий ва шарқий деворларда биттадан бўлган. Бурчакларнинг ярим устунларда найза шаклидаги “алдамчи” шинаклар мавжуд бўлган. Буржнинг жанубий деворидаги ярим устунларида алдамчи шинаклар йўқ бўлиб, уларнинг орасида асосий девордан бўртиб чиққан ва майда тош ётқизилган пойдеворда турган жанговар шинак мавжуд бўлган. Буржнинг шарқий ва ғарбий деворларида яна иккита жанговар шинаклар мавжуд бўлган. Узунқирдаги ғарбий, шарқий ва жанубий мудофаа деворлари қолдиқларининг қалинлиги 20 м бўлган ва Шўробсойдан тортилган сўнъий хандақ ўраб олган бўлиб, шимолий томон учун бундай хандақ вазифасини Шўробсойнинг ўзи бажарган.

Тадқиқотлар Сангиртепанинг баландлиги 8 метр ва ўлчамлари 85x65 м бўлган тўртбурчак шаклидаги тепаликда олиб борилди. Сангиртепа жанубий ва ғарбий томонлардан мудофаа девори билан ўралиб, унинг умумий майдони уч гектардан иборат бўлган. Сангиртепанинг илк шаклланиш даври милоддан аввалги IX-VIII асрларга оид. Бу даврда мустаҳкам пахса девори билан ўралган йирик иншоот қад кўтарган. Уч гектарга тенг ҳудуд мудофаа девори билан ўралган.

Қадимги Сўғд мудофаа иншоотларининг даврлаштиришда сопол буюмларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, девор қурилишида сопол буюмларидан ҳам кенг кўламда фойдаланганлар. Илк темир даври сопол буюмларининг ўзига хос бўлган белгиларидан бири бу-сопол буюмларни кўлда яшаш ҳамда уларга ангоб бериб нақшлар солиш анъанасининг кучайишидир. Бу даврда сопол буюмларни кўлда яшаш анъанаси сақланган ҳолда, кулолчилик чархидан кенг фойдаланила бошланади.

Воҳада ҳунармандчилик, ҳусусан темирчилик ва тўқимачилик кенг ривож топган дейиш мумкин. Даратепадаги мил. ав. VII-VI асрларга оид темир буюмнинг топилиши фикримиз далилидир.

Умуман, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида мил. ав. I-минг йилликнинг биринчи ярмида дехқончилик янада тараққий этиб, йирик шаҳар марказлари қарор топади (Еркўрғон, Узунқир, Кўзалиқир, Қизилтепа ва бошқа шаҳарлар). Бундай йирик шаҳарлар қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Ўрта Осиё шаҳарларида қурилиш, меъморчилик, ихтисослашган ҳунармандчилик ва савдо ривожланган. Малакали бинокорлар томонидан аҳоли яшайдиган уй-жойлар, саройлар ва диний иморатлар аниқ режа асосида, маҳаллий шароитга мослаб барпо этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда.-Тошкент.2002. –С.40.
2. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи.-Т. 2006 й.138-бет.
3. Сагдуллаев А.С. Культура юга Средней Азии VI-VII вв. до.н.э.(Батрия, Маргиана, Согд).Ташкент.1987. –С.19.
4. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. АН РУз., Тошкент.2000.-С.15.
5. Турабеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда. Нукус.1990.-С.15.
6. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. АН РУз., Тошкент.2000.-С.25
7. Исамиддинов М.Х. Стратиграфия городища Еркургана в Южном Узбекистане//СА.,М.1978.Стр-14-19.
8. Кабанав С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшеби.Ташкент.,1988 . –С.80.
9. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. Тошкент.2006. –Б.145-148.
10. Крашеникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша.ОНУ.1968.№8
11. Маньковская Л.Ю.Архитектурные памятники Кашкадарьи.Тошкент.1979. –С.18.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

UDK 81-13

INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE TEACHING FOREIGN LANGUAGE*D.Dj. Abduvasikova, senior lecturer, Tashkent Architecture and Construction Institute, Tashkent*

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'qituvchi tomonidan o'quvchilarning diqqatini faollashtirish va chet tillarni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini oshirish kabi ko'plab nostandart ish shakllari yoritilgan.

Kalit so'zlar: kommunikatsiya, innovatsiya, zamonaviy texnologiyalar, kompyuterizatsiya, bilim.

Аннотация: В данной статье освещаются многие нестандартные формы работы преподавателя по активизации внимания и повышению интереса студентов к изучению иностранных языков.

Ключевые слова: коммуникация, инновации, современные технологии, компьютеризация, знание.

Abstract: In this article highlights many non-standard forms of work of the teacher activating attention and increasing the students' interest in learning foreign languages.

Key words: communication, innovation, modern technologies, computerization, knowledge.

The processes of globalization, intensive development of communications, the Internet, remote forms of education put the main requirement for modern workers knowledge of languages. Therefore, teaching a foreign language is considered as a necessary link in the overall program of humanization of education.

Modern specialists need personality qualities based not only on logic, but also on intuition and creativity: rational and imaginative thinking, reflection, rapid response to the situation, commitment, ability to make decisions in uncertainty, competitiveness. Competitiveness implies the presence of specialist qualities, skills and abilities such as health, intelligence, high performance, organization, creativity, discipline, the presence of business connections, communication skills and communication skills. Mastering a foreign language is necessary both in everyday life and at work: communication with foreign partners, business trips, equipment of production with imported equipment, business correspondence, computers. For anything, everything requires knowledge of mainly English.

Language, whether native or foreign, serves as a means of communication, allowing people to interact with each other, to influence each other in the natural conditions of social life. Considerable success depends on the methods of training. A huge variety of activities of teachers and students in the classroom-this is the teaching methods.

In recent years, more and more attention of pedagogical science and practice are attracted by teaching methods, which in their content and methods of implementation are impossible without a high level of external and internal activity of students. They are commonly referred to as "active learning methods".

A computer is a tool used by a teacher who can perform a variety of functions in the process of teaching foreign languages:

- training facility;
- a tool for creating texts in the studied language;
- a tool for processing and storing statistical information about educational activities;
- means of communication with native speakers in the e-mail system.

The main directions of using information and communication technologies by foreign language teachers are: multimedia lessons, which are conducted on the basis of computer training programs, testing on computers, remote Olympiads, telecommunication projects, lessons based on

author's computer presentations in the form of lectures, seminars, laboratory works, reports of students, project activities and much more. All these techniques and forms of work, except telecommunications projects, I apply at different stages of the lesson and in various types of speech activity. Methodically, the forms of working with a computer in English classes can be different: the development of new material or its consolidation with the use of training programs, writing essays, presentations, dictation, the use of software translators when working with complex texts, checking literacy and spelling in English, the use of training programs to replenish vocabulary.

The use of computer presentations in the educational process allows to intensify the assimilation of educational material by students and conduct classes at a qualitatively new level, using the capacity of the auditor's Board, slide films and reference tables from the computer screen to a large wall screen. The use of computer presentations can significantly improve the effectiveness of the lesson. The presentation allows you to influence several types of memory: visual, auditory, emotional and in some cases motor.

The effectiveness of the impact of educational material on students depends largely on the degree and level of illustrative material. Computer presentations allow to focus the attention of students on the significant moments of the information presented and to create visual effective images in the form of illustrations, diagrams, diagrams, graphic compositions. Computer presentations make it possible to effectively adapt the training material to the characteristics of students. Increased interactivity leads to more intensive participation in the learning process of the student, which contributes to the efficiency of perception and memorization of educational material. Use the presentation in the educational process can be at different stages of the lesson, while the essence of it as a visual means remains unchanged, only its forms change, depending on the purpose of its use.

Currently, the introduction of the computer, multimedia technology and the global information computer network affects the education system, causing significant changes in the content and methods of teaching English. The process of introduction of computer technologies is constant, it penetrates into all spheres of human activity. But most importantly, it leads to accelerated personal development, thereby increasing the overall level of education. Learning English using information and communication technologies gives students the opportunity to take part in tests, quizzes, competitions, Olympiads held on the network, correspond with peers from other countries, participate in chat rooms, create blogs. They can receive any information on the problem they are working on: linguistic and cultural material, news from the lives of famous people, articles from Newspapers and magazines, necessary literature, films, etc. Classic and integrated lessons accompanied by multimedia presentations, on-line tests allow my students to deepen their knowledge. The advantage of electronic textbooks, in my opinion, are: first, their mobility, secondly, the availability of communication with the development of computer networks, and thirdly, the adequacy of the level of development of modern scientific knowledge. On the other hand, the creation of electronic textbooks also contributes to the solution of such a problem as the constant updating of information material. They can also contain a large number of exercises and examples, illustrated in detail various types of information. In addition, with the help of electronic textbooks, knowledge control is carried out - computer testing. Electronic dictionaries also combine the functions of searching for information of interest, demonstrating language patterns and make it possible to master the training material with the help of a special system of exercises.

The use of modern tools such as computer programs and Internet technologies, as well as training in cooperation and project methodology allow to solve these problems. The main purpose of teaching a foreign language in education is to prepare a highly qualified specialist, competitive in a market economy, and the education of a person willing and able to communicate, people willing and able to receive self-education. The use of modern teaching tools, the introduction of active and interactive methods and the use of innovative technologies allow us to successfully solve these problems.

REFERENCES:

1. Asimov E. G. "Internet in English lessons. // Foreign languages in school, 2001, No.1, -Pp. 45-50.
2. Barmenkova O.I. "Video employment in the system of teaching foreign speech". // "Foreign languages in school", 1999, No.3, -Pp. 20-25.
3. Полат Е. С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. – М.: Академия, 2002. – С.134.

UDC 81-13

TRADITIONAL AND INNOVATIVE METHODS IN THE TEACHING FOREIGN LANGUAGES

N.R. Aripova, teacher, Tashkent Architecture and Construction Institute, Tashkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada xorijiy tillarni o'qitishda an'anaviy va zamonaviy metodlarning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: an'anaviy metodlar, innovatsion metodlar, xorijoy til, ta'lim.

Аннотация. В этой статье освещаются особенности традиционных и современных методов обучения иностранным языкам.

Ключевые слова: традиционные методы, инновационные методы, иностранный язык, образование.

Abstract. In this article highlights the peculiarities of traditional and modern methods of teaching foreign languages.

Keywords: traditional methods, innovative methods, foreign language, education.

Before proceeding to the analysis of innovative methods of teaching foreign languages, we invite the reader to think about what traditions and innovations in education are. Tradition (lat. traditio-transfer, giving) - a universal form of fixation, consolidation and selective preservation of certain elements of socio-cultural experience, as well as a universal mechanism of its transmission, providing a stable historicogenetic continuity in socio-cultural processes.

Tradition provides continuity, it is what keeps people in culture and history. "In science, tradition means continuity of knowledge and research methods" [1]. Innovation is viewed from different perspectives: in relation to technology, Commerce, social systems, economic development and politics. In the scientific literature, there is a wide range of approaches to the concept of innovation, which are expressed in the following definitions:

- 1) the process of improvement by making innovations;
- 2) the act of introducing something new, something newly introduced;
- 3) the introduction of something new;
- 4) a new idea, method or device;
- 5) the successful use of new ideas;
- 6) change that creates new aspects in the activity;
- 7) purposeful change in the economic or social potential of the enterprise;
- 8) creative idea that has been implemented;
- 9) innovation, transformation in the economic, technical, social and other areas associated with new ideas, inventions, discoveries.

Different approaches to the concept of innovation allow us to highlight the General: innovation is understood as the introduction of something new. It should be emphasized that the education system is contradictory and dialectical. First, it must adapt flexibly to socio-economic changes in society and at the same time be stable in its pedagogical essence. Secondly, it should be a successor to the traditionally evolving and successive educational concepts and at the same time be predictive, should anticipate the needs of the future and prepare for the future of the younger generation. Therefore, pedagogical innovations always ensure the connection of traditions with the design of future education [2]. Innovation only takes root in society when it fits into the system of existing values of socio-cultural experience, is consistent with the existing tradition.

The difference between traditional and innovative techniques is in the approaches and methods. Often concepts such as “approach”, “method”, “technique” is used as synonyms, which leads to distorted understanding of these key terms. The learning approach determines the learning strategy and the choice of the learning method, implementing the strategy.

The component of the foreign language standard for it is aimed at comprehensive implementation of personality-oriented, activity-oriented, communicative-cognitive and socio-cultural approaches to teaching foreign languages. These approaches make significant changes in all components of the learning system: goals, content, principles, methods and technologies of learning.

In traditional pedagogy, the personality was "adjusted" to the set socio-cultural patterns, the goals of education did not come from the individual, but from the state. Individual abilities were revealed through learning, perceived as the ability to assimilate knowledge. Learning was considered the main source of development personalities. Personality was formed on the basis of predetermined qualities, properties. Development was understood as the building of knowledge, skills. Education was seen as a way of broadcasting social experience. Subject differentiation set normative cognitive activity taking into account the specifics of scientific areas of knowledge, but did not reveal the origins of life.

The learner as a carrier of subjective experience, individual readiness, preferences for the subject content, type and form knowledge. A situation was created in which differentiated forms of pedagogical influence determined the content of personal development.

Currently, language diversity and diversity cultures are considered as one of the most valuable elements world cultural heritage and as a philosophy of intercultural social interaction in any multicultural and multilingual space. Diversity of language communities and cultures, being a priceless unique heritage, should turn from a barrier to dialogue between different cultures, as a means of mutual understanding and enrichment. Each of the currently known methods of teaching foreign languages at the time was innovative. With the development of society and the changing goals of education, his time passed and the method was considered obsolete. However, talking about traditions and innovations in education, we should not forget that every innovative method would be impossible without the prerequisites created by the “outdated” method.

There are no universal methods of teaching foreign languages. Each method has something valuable to use, but in history it is difficult to find cases where new methods could completely solve the existing problem. It is important to remember the subjective component of the method, which depends on the personality of the teacher, able to adequately assess the specific conditions teaching foreign languages. The subjective part of the method, its concretization, a clear description of its existence is reflected in the methodology of each particular teacher. A set of techniques and actions performed in a certain sequence, allowing to implement a particular method of training is often called technology.

Use of methods (technologies) of teaching foreign languages in modern school is based on the development of subject-subject relations of teachers and students. This relation assume: recognition of the student as the main value of the educational process; transition to cooperation, the teacher speaks as an organizer of educational activities, in which the student conducts an independent search; identification and maximum use of the subjective experience of the student, the coordination of his experience with the public significant experience; activation of the student's personal functions, etc. The criteria for the selection of methods (technologies) are: interactivity, activity nature, focus on supporting individual development, the availability of freedom to make an independent decision, the choice of content, method of teaching, dialogue, shifting the emphasis from memorizing information to the study of reality. The choice of method by each individual teacher is based on the analysis of the pedagogical situation [3].

The determination of the method of teaching foreign languages will necessarily affect, for example, the amount of time allocated to the subject, a separate topic; the level of preparedness of students, their age characteristics; material equipment of the educational institution; the level of

preparedness of the teacher. Having studied a set of conditions, the teacher decides to use in his work that or another method.

REFERENCES:

1. Shchukin, A.N. Teaching foreign languages / A. N. Shchukin. – M.: Filomatis, 2004. - Pp. 191, 195,200, 206.
2. Yakushev, M.V. Scientifically based criteria for analysis and evaluation of a foreign language textbook / M. V. Yakushev // Foreign language in school. - 2000. - No. 1.
3. Yalalov, F.G. Activity-competence approach to practice-oriented education [electronic resource].- Access mode. – <http://www.eidos.ru>

UDC: 81-13

DEVELOPING TEACHING AND LEARNING MATERIALS OF FOREIGN LANGUAGES ACCORDING TO THEIR ACHIEVMENTS, CHALLENGES AND SOLUTIONS

G.J. Ibodullayeva, senior teacher, Termez State University, Termez

SH.Z. Soatmurodova, student, Termez State University, Termez

Annotatsiya. Bu maqola til o`rganishda madaniyatning paydo bo`lishining uzoq tarixini va til o`rganuvchilar bilan o`zaro aloqadorligini ko`rsatib berishga asoslangan. Shuningdek, til tahlili va jamiyatdagi odamlar orasida muloqotda uchraydigan qiyinchiliklar haqida umumiy tasavvur bilan taminlaydi. Bu izlanishlar ingliz tilini ikkinchi yoki chet tili sifatida o`rganishda yangi texnologiyalarning asosiy rolga o`z e`tiborini qaratadi. Bu maqola ingliz tilini o`rganuvchilarning texnologiyalardan foydalansh orqali o`rganish mahoratlarini oshirishga qaratilgan turli xil munosabatlarni muhokama qiladi.

Kalit so`zlar: til tahlili, qiyinchiliklar, madaniyatning paydo bo`lishi, o`quv dasturi, leksik-frazeologik birliklar, tinglovchilarning turli-xilligi.

Аннотация. Эта статья основана на долгой истории возникновения культуры в изучении языка и ее связи с изучающими язык. Он также предоставляет обзор языкового анализа и трудностей, возникающих в общении между людьми в сообществе. Эти исследования подчеркивают ключевую роль новых технологий в изучении английского как второго или иностранного языка. В этой статье рассматриваются различные подходы к расширению возможностей изучающих английский язык с использованием технологий.

Ключевые слова: языковая оценка, проблемы, становление культуры, оформление учебного плана, лексико-фразеологические единицы, разнообразие аудитории.

Abstract. The article aimed at presenting the historical background of the emergence of culture in language learning and how it can be correlated with the language learners. In addition, it provides a clear-cut overview of language assessment and its application among the people as well as their communication in the society. Moreover, this study focuses on the role of using new technologies in learning English as a second/foreign language. It discussed different attitudes which support English language learners to increase their learning skills through using technologies.

Key words: Language assessment, challenges, the emergence of culture, curriculum design, lexical-phraseological units, diversity of the audience.

After the Independence of the Republic of Uzbekistan great reforms have done in the education system of the country. There was adopted a Law on Education and National Program of Personnel Training in 1997. The overall aim of these documents is to reform the education system completely. The first President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov has also noted the importance of learning foreign languages in spiritual development of the society: "One more important task is – to assist the development of the language, culture, customs and traditions to the all nations and nationalities residing in Uzbekistan, further expansion of possibility and conditions in this sphere". [1, P.65] Especially, learning and teaching issues of foreign languages became one of the urgent spheres of training of harmoniously developed young generation. Therefore, we need knowledge of the issues and themes that learners have to meet in real-life communication situations or will have them in the future. In addition, a foreign language teaching strong tradition should be

taken into consideration that not only lexical-phraseological units, but also the but also the rules of grammar and structures are taught with a specific topic. Naturally, in this case a teacher is required to know the target language as well as the instruction language and if necessary to modify the instruction language as a teacher language (language that teachers use in the teaching process and is considered as the simplified speech for students). Language assessment plays a great role in second language learners' educational experience and learning outcomes. In addition assessment is used for student initial screening, placement, or progression in language course, it always involves gathering, interpreting and evaluating evidence of learning.

Collecting such information through the different assessment and evaluation tools requires specialized skills and allows educators to identify student language and if necessary to modify the instruction language as a teacher language (language that teachers use in the teaching process and is considered as the simplified speech for students student needs and plan a course of action to address these needs, provides feedback about the effectiveness of teaching practice, guides instruction and curriculum design, and provide accountability for the system. For most language educators, assessment has been considered as a tough and demanding task they have to perform given that designing valid and reliable assessment. Furthermore, in order for assessment to be useful, it must align itself with the mandated standards and academic expectations of the specific context where it occurs.

Language assessment plays a great role to enhance language learners' knowledge and and to form their confidence to express their views in varied fields of education. To assess learners' knowledge and levels educators perform a wide range of methods such as testing, questionnaire, discussion and forth.

Бола бахши “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonини қуйидагича ниҳоялайди: “Шундай қилиб, Ғарибжон билан Шоҳсанам муроду мақсадларига етиб, кўнгиллари ором топди. Ҳаммамиз ҳам мурод-мақсадларимизга етгаймиз, эшитганларингиз учун раҳмат!” (“Ошиқнома”, 4-китоб, 31-бет).

Бинобарин, эпосдаги ҳошиявий формулалар ёзма нусхаларда ҳам оғзаки вариантларда ҳам анъанавий тарзда ижрочи томонидан истифода этилади. Хар иккала ижрода ҳам муайян ўзгачаликларга учраса-да, асосий хусусият-воқеани бошлаш ва ниҳоялашдаги услуб сақланиб қолади. Ушбу формулалардаги ўзгаришлар эса ижрочининг иқтидори, кайфияти ва аудитория билан узвий алоқага эга.

Аксарият ҳолларда муқаддима қисмда воқеа тугуни иштирок этади. Хоразм дostonларида асосан воқеалар тугуни бефарзандлик мотиви, туш кўриш, бирор элдан хабар келиши каби тафсилотлар билан бошланади. Баъзан шикорга чиқиш, бирор қуш ёки кийикни қувиб кетиб, номаълум боғ, кўшкка дуч келиш, шу жараёнда нотаниш кизни кўриб севиб қолиш каби тугунга сабаб бўлувчи бошланмалар ҳам кўзга ташланади.

Демак, дostonдаги бошланма асарда тасвирланувчи воқеаларга туртки берувчи сирли тугунни ўртага қўяди. Ижрочи энди ўша тугунни ечиб берувчи воқеаларни бошлар экан, у яна анъанавий инициал формулалар, эпик қолип доирасида зинама-зина ҳаракат қилади.

“Эрҳасан” дostonида ҳам тугун туш кўриш мотивидан бошланади. Эрҳасаннинг тушида бир нуроний чол:–Сенинг ошиғинг Арзирум шаҳридаги Таллихондур, деб кўздан ғойиб бўлади. Тугундан, кейин бош қаҳрамон саргузашти бошланади. Одатда қаҳрамон йўлга отланиш олдидан рухсат сўраш саҳнаси бошланади. Эрҳасан бу масалада Гўрўғли-тутинган отасидан рухсат сўрайди.

Арзим эшит, Чамлибелнинг султони,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин!
Йўқдир десанг менинг сўзимда хатом,
Рухсат берсанг, Арзирумга кетайин!

(“Ошиқнома”, 4-китоб, 173-бет).

Қаҳрамоннинг рухсат сўрашидан кейин хайрлашиш, оқ йўл тилаш саҳналари кетма-кет равишда воқеалар силсиласидан жой олади. Асар бош қаҳрамонига оқ йўл тилаш саҳнасида кейин воқеа ривожини бошланади. Аслида юқорида тилга олинган саҳна “... дoston куйловчи бахши учун ижро жараёнида ўзига хос анъанавий схема, сценарий бўлиб хизмат қилади” [7].

Мазкур схема-сценарияни ташкил этувчи композицион компонентларнинг барчаси дostonлар сюжетида жой олган. “Ошиқ” туркуми силсиласини ташкил этувчи дostonларнинг композицион тизими “Гўрўғли” туркумига мансуб дostonларникидан сал бўлса-да, фарқ қилади.

“Ошиқ туркуми дostonларида воқеа ривожини ўзига хос анъанавий ўхшашликлар мавжуд. Мазкур туркумга кирувчи дostonларда эпик от иштирок этмаганлиги сабабли юқорида тилга олинган дастлабки саҳнага оид от эгарлаш, отга мадҳия айтиш лавҳалари учрамайди. Ота-онадан рухсат сўраш, хайрлашиш, оқ йўл тилаш каби саҳналар сақланган.

Аксарият ҳолларда мазкур дostonларда икки ёш ўртасидаги самимий севгининг пайдо бўлиши асар воқеаларининг бошланиши бўлиб ҳисобланади. Воқеалар бошланиши билан соф севгини поймол қилувчи турли қарама - қаршилиқлар юзага чиқа бошлайди. Масалан, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” ва “Тоҳир ва Зухра” дostonларининг композицион тузилиши деярлик бир хил тарзда:

1. Подшо ва вазирларнинг бефарзандлиги. Мабода фарзандлари туғилса куда бўлишга аҳдлашишлари.
2. Вазирнинг вафот қилиши. Подшонинг аҳдидан қайтиши.
3. Икки ёшнинг беғубор севгиси. Уларнинг учрашувлари.
4. Бу учрашув ҳақида подшога чақимчилик орқали хабар берилиши. (“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”да Тансиқ канизининг, “Тоҳир ва Зухра”да Ҳасан чуғулнинг чақимчилиги).
5. Ошиқнинг бадарға қилиниши ва унинг узок йиллардан кейин қайтиб келиши. Бошқа бировга узатилаётган маъшуқаси билан ўзини танитмай учрашиши.
6. Кескин қарама-қаршилиқларга қарамасдан ошиқ-маъшуқаларнинг мурод-мақсадларига етишувлари.

Албатта битта схема асосига қурилишига қарамай дostonлардаги воқеалар, шеърӣ парчалар бир-биридан каттагина фарқларга эга. Композицион қурилишнинг муштараклиги ижрочини воқеалар силсиласи сари етаклаб боради.

Бундай олиб қараганда, “Ошиқ” туркуми дostonларидаги композицион қурилишда умумий ўхшашлик мужассамлашган. Бу ўхшашликлар ягона схема атрофида бирлашади.

1. Муқаддима. Туш кўриш, бирор жойдан хабар келиши. Ёки ошиқ-маъшуқаларнинг тасодифий учрашуви.
2. Воқеа ривож. Ошиқнинг маъшуқани излаб йўлга чиқиши. Ўлим билан юзма-юз келиши. Ҳомийлар ёрдамида ишининг ўнгланиши.
3. Кульминация. Икки ошиқнинг учрашуви. Чақув натижасида яна ошиқнинг ўлим билан юзма-юз келиши. Тасодиф ёки хомий ёрдамида ишнинг ўнгланиши.
4. Ошиқ-маъшуқаларнинг мурод-мақсадга етишлари.

Турли дostonларда турлича саргузаштларнинг тасвирланишидан қатъий назар дostonлар композициясида мазкур анъанавий схема ҳамиша кўзга ташланиб туради. Бинобарин, дostonлардаги сюжет тизими, композицион қурилиш қатъий анъанага бўйсунди. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчаси асарнинг умумий сценарийсини ташкил этади. Ушбу сценарий бахши ижрочилигида катта аҳамиятга эга бўлиб, уни воқеалар сари етаклаб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –М.: ГИХЛ, 1947. – С. 427. (520)
2. Чагдуров С. Ш. Стихожение Гесериады. Улан-Уде, Буряткнигиздат, 1984. – С. 20. (126)
3. Рўзимбоев С. Хоразм дostonларидаги эпик клишелар ва анъанавий формулаларнинг ўзига хослиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, №2. –Б. 39. (39-43)
4. Путилов Б.Н. Искусства былинного певца. Из текстологических наблюдений над былинами // Принципы текстологического изучения фольклора. –М., Л.: “Наука”, 1966. –С. 223.
5. Саидов М. Халқ дostonларида эпик қолип ва анъанавий формулалар // Ўзбек филологияси масалалари. Научные труды ТашГу. Вып. 362. –Т.: 1970. – С. 52.
6. Мирзаев Т. Эпос и сказитель, - С. 208.
7. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: “Наука”, 1974. – С.620.

УДК 81:39

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ И ПАРАЛИНГВИСТИКИ

Н. Атамуратова, магистрант, Ургенчский государственный университет, Ургенч
Х. Бабаджанов, профессор, Ургенчский государственный университет, Ургенч

Annotatsiya. Ushbu maqolada tilshunoslik, madaniyatshunoslik, paralingvistik yo`nalishlar muhokama qilinadi. Unda madaniyat va tilning xalq ongi, tafakkuri va xulq- atvoridan foydalanish

masalalari, lingvokulturologiya va paralingvistika masalalari ko`rib chiqiladi. Lingvokulturologiya va paralingvistikaning nazariy ma`nolari va yo`nalishlari ham muhokama qilinadi

Kalit so`zlar: *lingvokulturologiya, paralingvistika, madaniyat, mentalitet, tafakkur, nazariya.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются лингвокультурологические и паралингвистические направления. В ней исследуется использование культуры и языка в менталитете, мышлении и поведении народа. Также обсуждаются теоретические значения и направления лингвокультурологии и паралингвистики.*

Ключевые слова: *лингвокультурология, паралингвистика, культура, язык, менталитет, мышление, теория.*

Annotation. *In given article lingua-cultural and paralingual aspects of linguistics are considered. There also investigated use in mentality, thinking and behaviour of the people. Theoretical importance and directions of lingua-cultural and paralingual branches are also discussed.*

Key words: *lingua-culture, paralinguistics, culture, language, mentality, thinking, theory.*

Язык владеет абсолютной и всеобъемлющей властью. Он устанавливает нормы мышления и поведение человека, властвует обновлением логических категорий, проникает во все стороны социальной и индивидуальной жизни человека, определяет формы его культуры. Язык - это инструмент показания культуры и знания, влияющий на культуру. В содержание лингвокультурологического исследования включаются изучение языкового выражения, традиции человечества и его жизнь. Менталитет народа, психологическое поведение людей, как инвариант социально-культурных изменений. Неизбежность опоры на неязыковую реальность является пониманием того, что полное показание языковых структур, создание полного "образа языка" невозможно без обращения к лингвокультурологической проблематике. Направление лингвокультурологии - невербальное общение изучает соотношение невербальных и вербальных (словесных средств) общения в речи. Туда входят: жесты, мимика, телодвижения (кинетические компоненты) и особенности темпа, тембра, голоса (фонационные компоненты). Следует отметить, что имеются в виду не любые жесты и мимика, а те, которые используются в определённом обществе как стандартизированные семантические знаки, коммуникативно значимые контакты. Изучая связанность вербальных и невербальных средств общения в речи определённого общества, теория невербального общения вступает в сплочённый контакт с лингвокультурологией.

В. Тернер писал: «... Ритуал и символика - не просто эпифеномины или маскировка более глубоких социальных или психологических процессов, ...они обладают онтологической ценностью, имеющей определённое отношение к состоянию человека... Расшифровка ритуальных форм и раскрытия происхождения символических действий, возможно, более полезны для нашего культурного роста, чем мы до сих пор предполагали» [1]. Учёные рассматривают изучение ритуала как с точки зрения лингвокультурологии, так и с теорией невербального общения. В истории ритуалы были невербальными текстами культуры человечества,

А само знание ритуалов было символом, определяющий социальную значимость и культуру личности. Таким образом культурно-этнические ценности входят в состав ритуалов, которые показывают методы передачи информации в данном обществе. Вербальные иллюзии считаются объектом изучения лингвокультурологии и теории невербального общения. Культура живёт и развивается в «языковой оболочке». Мираж подменяет свою реальность с помощью вербальных иллюзий, то есть, с помощью языка. Вербальные иллюзии играют большую роль в создании социальных стереотипов, которые формируют национальные предрассудки. Кинетические компоненты неотделимы от культуры общества и являются его неотъемлемой частью. В итоге мы можем сделать вывод о неотделимости и соотношении между лингвокультурологией и теорией невербального общения. Предметом лингвокультурологии является совместность базовых позиций двух и

более культур, представляющих собой результаты собственно человеческого сознания- зафиксированные в мифах, легендах, ритуалах и обрядах. В этой статье нами выявлена связь лингвокультурологии со смежными дисциплинами, такими, как: культурология и паралингвистика. Таким образом, лингвокультурология- это междисциплинарная наука, которая взаимодействует со многими другими науками, благодаря огромному диапазону видов рассмотрения культуры, языка и человека. Лингвокультурология является не только одним из смежных дисциплин, но и предоставляет главный и нужный материал для исследователей различных дисциплин о человеке, языке и культуре.

Жест-есть не движение тела, а движение души (Ф.И.Шаяпин).

Лицо говорит вместе с языком (А.Ф. Кони).

Речь, жесты, мимика, движения- это едино-взаимосвязанный поток внутренней жизни человека. Следя за мимикой, жестами, позой, движениями нашего собеседника, нам легче вникать в процесс его мышления. А знание оратором классификации жестово- мимических средств выразительности, их значение, роль в ораторском искусстве помогают ему найти взаимосвязь с аудиторией или лично с собеседником.

Параязык (от греческого para – возле, вне) – явление и факторы, сопровождающие речь, но не относящиеся к вербальным материалам: громкость, паузы, мимика, жесты, модуляции голоса, визуальный контакт между общающимися изучается паралингвистикой.

Параязык [2] (по Вердерберу)- «невербальные звуковые сигналы, оформляющие речь, тональность, громкость голоса, темп речи, паузы и вздохи, которые ставят ударение не на то, что сказано, а на то, как сказано». Молчание ещё один важный вид «параязыка», с помощью которого люди способны передавать свои чувства, как презрение, враждебность, вызов и строгость, но также уважение и доброе отношение. Исследователи начали интересоваться паралингвистикой уже в середине прошлого века [Tranger, 1958, 1961; Birdwhistell, 1952; approaches, 1964; Ruesch, 1956 и др.].

В шестидесятые - семидесятые годы появляется множество научных работ по паралингвистике и по кинесике, в частности [Волоцкая, Николаева, Сегал, Цивьян, 1962; Успенский, 1966; Капаназе, 1970; Колшанский, 1975 и др.]. С тех пор интерес к паралингвистике повышается. Его основой является культурологический компонент современной лингвистики. Паралингвистические средства описываются как культурно-специфические [Вагге, 1947, 1964; Hall, 1961; Пап, 1964; Николаева, Успенский, 1966 и др.], которые приводят исследователей к их лексикографическому описанию [Акишина, Кано, 1991; Григорьева, Григорьев, Крейдлин, 2001; Дмитриева, Клокова, Павлова, 2003]. С другой стороны, базой интереса выступают новые информационные средства, в первую очередь, язык глобальной компьютерной сети [Дедова, 2002], как изучение национальной специфики параязыка, так и изучение его функционирования в сети, подразумевает нормативный аспект, однако вопрос о норме применительно к параязыку в широком контексте не ставился.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. В. Тернер «Символ и ритуал» 104,с.33
2. Р. Вердербер, Э. Вердербер «Психология общения» 1 часть, с.62
3. В.Н. Ярцева «Лингвистический энциклопедический словарь» 2002
4. А.М. Антипова «Взаимодействие вербальных и невербальных средств общения» Москва, 1989
5. Siegman, A.W. «Nonverbal message of verbal communication» New Jersey, 1978.

УДК 808.5

ЖОН СТЕЙНБЕКНИНГ “THE GRAPES OF WRATH” РОМАНИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ

Фаниева О.Х., ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Жон Стейнбекнинг “The grapes of wrath” романида оилавий муносабатларнинг тасвирланиши ёритилган.

Калит сўзлар: Жон Стейнбек, “The grapes of wrath” романи, оила.

Аннотация. В этой статье описывается описание семейных отношений в романе Джона Стейнбека “The grapes of wrath”.

Ключевые слова: Джон Стейнбек, Роман “The grapes of wrath”, семья.

Abstract. This article covers the description of family relations in John Steinbeck's novel “The grapes of wrath”.

Keywords: John Steynbek, “The grapes of wrath” novel, family.

Жон Стейбек ижоди замонавий жаҳон адабиёти ривожда ижтимоий ҳаётни ҳаққоний, чуқур ва мукаммал акс эттира олгани билан сезиларли саҳифани эгаллайди [3]. Унинг энг сара асарлари XX аср Америка адабиётининг реалистик аънаналарини давом эттирди ва бойитди. Муаллиф асарларида бир қатор, ҳатто бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган мавзулар ифодаланади. Асосан, оилавий муносабатлар тасвирини унинг бир қатор роман ва қиссаларида кўришимиз мумкин. Ҳар бир қаҳрамон оила аъзолар атрофида, кичик жамият бўлиши оила ичида гавдалантирилади. О.Н.Тихонова, В.В.Кузнецов ишларида муаллифнинг “The Grapes of Wrath” романида инсон, оила тушунчалари ўрганилган, бироқ биз мазкур мақолада романда оила мавзусининг тасвирини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, инсон ва жамият тушунчалари ўзаро бирлашиб кетган яхлит бир тизимнинг йўналишидир. Инсон жамиятсиз мавжуд бўла олмайди, бунинг исботини биз Маугли тимсолида кўришимиз мумкин. Жамият ҳам ўзида инсонлар фаолиятини ва муносабатини акс эттиради. Инсон ва жамият, уларнинг муносабати бадий адабиётда жуда кўп ўрганилган ва ҳамон долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Жамият – бу ҳар доим ривожланишда бўлган оламнинг бир кичик бўлаги экан, унда ўзининг аънаналари, қадриятлари, урф одатлари мавжуд. Жамиятнинг бирлиги бўлиши инсон қандай жамиятда яшашини ўзи танлай олмайди, чунки у туғилиши билан жамиятнинг бир бўлагига айланади. Мана шу ижтимоий муҳит унинг шахс сифатида шаклланишига, ҳаёт тарзи ва кизиқишларига таъсир кўрсатади.

Н.Шукуровнинг фикрича, бадий асарнинг мавзуси унинг предмети билан белгиланади. Бадий асар предмети эса инсон ҳаётининг турли-туман ҳолати, кураши, орзу-интилишлари, табиатга, воқеликка муносабатидир. Биргина бадий асарда бир қатор мавзулар ёритилиши мумкин, улар асосий мавзуни ёритишдаги ёрдамчи, тўлдирувчи мавзулар бўлиб хизмат қилади. Адабиётда реализм кучая борган сари мавзулар ҳам кенгая боради [4].

“The Grapes of Wrath” романида муаллиф патриархат тизимга эга оилани кўз олдимизда гавдалантиради. Аммо воқеалар ривожиди давомида, оталар ҳаётдаги қийинчиликлар туфайли ўз мавқеаларини йўқотишларини, оилада сардорлик қилишдан ўзларини четга тортишларини кўришимиз мумкин. Аммо оиладаги аёл қаҳрамонлар ҳеч ҳам гандиракламасдан, оқилона фикрлай бошлайдилар ва оилада муҳим ўринга эга бўладилар. Она Жоад оилани биргаликда сақлаб туриш учун унинг муҳим бўғинига айланади. Оиланинг тўнғич ва ягона қизи Роза Шаронга эса оиладаги меҳр-муҳаббат, ҳурмат каби аънаналарнинг давомчиси сифатида қарашимиз мумкин. Ҳаётнинг мушкулотлари уни мукаммал шахс қилиб тарбиялайди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур оила мисолида кўришимиз мумкинки, ўша давр жамиятида оиладаги эркак ва аёлнинг ўз вазифалари бўлган. Эркаклар оилани моддий таъминотчиси бўлишса, аёллар ундаги маънавий қадриятларни давом эттирувчи ҳамда барқарорликни таъминловчи устун сифатида баҳоланади. “They are - silent and do not move often, they are hard and resistant, the women secretly - study the men ‘s faces to make sure things are alright. They wait for their husbands to make decisions, and believe that —no misfortune is too great to bear if their men are whole” [5,3-4]. “Улар (эркаклар) – жим туришар ва ҳатто ўринларидан силжишмади, улар кучли ва мустаҳкам, аёллар эса яширинча – эркакларнинг юзларига ҳаммаси жойида эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун диққат билан қарашди. Улар (аёллар) турмуш ўртоқларининг қарор қилишини кутишди ва ишонидики – агар турмуш ўртоқлари соғлом бўлса, ҳар қандай омадсизликни ҳам енгиб ўтиш мумкин”. Мазкур парчада ёзувчи 1930

йилда АҚШда ҳукмрон зиддиятли вазият, оилаларнинг унга муносабати, эркакларнинг мушкулликни қандай енгиш ҳақида ўйга ботгани, аёлларнинг барча умидлари турмуш ўртоқлари билан боғлиқ экани акс этган. Асар бошидаёқ ёзувчи оғир ва шафқатсиз муҳитни яратишга уринди, бу билан у бутун Америкада ҳукмрон давр муаммоларини назарда тутди. Ўша пайтда худди халқ “оғир бўрон” ичида қолганга ўхшайди. Ҳақиқатда, 30-йиллар бошида АҚШда кучли курғоқчилик бўлиб, кучли чанг бўронлар кўтарилган, бунинг натижасида Оклахомада минглаб фермерлар хонавайрон бўлишган эди. Ёзувчи роман бошланишидаёқ таназулга юз тутаетган давр муҳитини тасвирлайди ва оиладаги эркакларнинг қанчалик қайғуда қолишганини, аёллар эса турмуш ўртоқлари соғ бўлишса, ҳеч қандай қайғу ҳам уларни гангита олмаслигини ҳис этадилар. Ёзувчи яшаган даврда анъанавий оилалар тузилишига кўра аёллар оилада уйни саранжом-саришта тутувчи, пишир-тушир ишлари билан шуғулланувчи, эркаклар эса оилани тутиб турувчи куч ва таъминловчи эди. Асар бошида бу муносабатлар ҳақида ҳеч қандай савол туғилмайди, чунки аёллар турмуш ўртоқларини кўллаб-қувватлаш учун оиладаги вазифаларини тинчгина ҳамда чин дилдан бажаришади. Бирок, роман давомида Она Жоад образида етарлича ўзгаришлар содир бўлади, оиладаги анъанавий роли ноанъанавийга ўзгаради. У оила бирлигини сақлаш учун бир қатор кўпол ҳаракатлар қилади, аммо вазиятларни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, ундаги ўзгариш шунчаки сароб эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатда эса, у ҳали ҳам ўзининг аёллик вазифасини ўтайди, фақат унинг оиладаги ўрни аниқ ва ўз фикрига эга.

Романда Жоадлар оиласи ёлғиз тасвирланмайди, балки Уилсонлар оиласи билан ёнма-ён тасвири келтирилади. Бобо (Granpa) Уилсонларнинг палаткасида вафот этганида, Уилсонлар оиласининг палаткасидаги бирозгина қолган бўш жойини ва бебаҳо дўстлигини Жоадлар билан баҳам кўради. Машаққатли ўша даврда иккала оиланинг бирга ҳаракат қилиши оддий халқ орасидаги баҳамжиҳатлик ва меҳмондўстлик каби кучли туйғуларни ифодалайди. Улар орасида дўстликнинг бошланиши билан яна бир муҳим ўзгариш содир бўлади, оиланинг тўнғич қизи Роза илгари гарчи уй юмушларида онасига қарашмаган бўлса ҳам, энди унга ёрдамлаша бошлайди. Унинг бундай муносабати аҳамиятсиз туюлар, бироқ Розанинг бундай муносабати унинг бўйи етаётганидан дарак беради, уни ёзувчи картошка арчаётган, ёки пишираётган, бобосининг ўлимидан сўнг бувисига парвона ҳолда тасвирлайди. Роза худди катталардек ўзини тута бошлайди, унда худбинликдан асар ҳам йўқ. Оиланинг хотиржам бўлишида ҳар бир аъзонинг иши нақадар муҳимлигини тушунишга ҳаракат қила бошлайди.

Стейнбек яна бир ўринда зиддиятли вазиятни тасвирлаб, мазкур ҳолатда оила аъзоларининг одилона қарор қилишларини тасвирлайди. Мазкур ҳолатда машина бузилиши сабабли тўнғич фарзанд Том руҳоний Кейси билан қолишга ва машинани тузатгач, орқадан етиб олишга қарор қилганида Она Жоад оиланинг бўлинишини хоҳламагани учун безовталанади. Турмуш ўртоғининг ёнига бориб, у ҳам қолишини айтганида, Ота Жоад ундаги бу ўзгаришни кўриб ҳайратланади. Онанинг бундай муносабати бошқаларнинг қарори ҳамда нуқтаи назарини ўзгартиради. Чунки Она шу дақиқада оила сардорининг рухсатсиз ўзининг фикрини баён этади, бошқаларни ҳам қайта қарор қилишга мажбур қилади. Аммо ота унга кетишни буюриши оилада эркак кишининг гапи қонун эканлигига ишора эди. Унинг фикрича, ҳар қандай ҳолатда ҳам аёли унга бўйсунуши, ёлғиз қарор қилмаслиги керак. Барча оила аъзоларига бирдай муносабатда бўлади. Аммо Она Жоад ҳаммани ўзининг гапи билан ҳайратлантиради: “The eyes of the whole family shifted back to Ma. She was the power. She had taken control. “The money we’d make wouldn’t do no good,” she said. “All we got is the family unbroken. Like a bunch a cows, when the lobos are ranging, stick all together. I ain’t scared while we’re all here, all that’s alive, but I ain’t gonna see us bust up” [5,219]. “Бутун оиланинг нигоҳи Онага қадалди. У қудратли эди. У назоратни қўлига олган эди. “Биз ишлаб топадиган пулнинг ҳеч аҳамияти йўқ,” деди у. “Эришадиган ягона нарсамиз—оиланинг тарқаб кетиши, холос. Худди сигирлар бўри ҳамла қилганида бирлашганидек, барчамиз жипслашимиз керак. Ҳаммамиз шу ерда бирга, соғ–саломат

эканмиз, мен кўркмайман, лекин ўзаро жанжаллашимизни кўришни истамайман”. Ана шу дақиқада Она Жоад ва унинг оиласи ҳақиқатни англаб етадилар. Чунки у илк бор ҳаётида эга бўлган энг муҳим нарсаси - бу оиласи – бузилиш арафасида эканлигини тушуниб етади. У биринчи марта фикрини тушунтиришга ҳаракат қилади, чунки она гарчи у аёл бўлса ҳам, унинг ҳам ўз фикри борлигини кўрсатмоқчи бўлади. Бу манзара нафақат онадаги, балки оиладаги ўзгаришларни ҳам ифодалайди, чунки улар энди Она Жоад бошқарувни ўз қўлига олаётганини англаб етадилар. Албатта, у хоҳлаётган ягона нарса бу оиласини биргаликда сақлаб туриш, у хонадонини бўлиниб кетишининг олдини олишга уринади. Онанинг ягона мақсади оиласини ҳимоялаш экан, у ҳар қандай вазиятда оила шаъни учун курашади. Шунингдек, у ҳали Оклахомадан чиқиши таъқиқланган, яқинда қамокдан чиққан ўғлини ҳам турли муаммолардан асрашга ҳаракат қилади. Ана шу дақиқадан бошлаб, деҳқончиликдан куч оладиган ота эмас, оиланинг бирлигидан қувват оладиган она ўз ўрнига эга бўла бошлайди.

Аёл кучининг манбаси – оиласини жипс ва ҳамжиҳатлигида бўлгани боис, бу унинг нафақат ҳаракатларида, балки оналик меҳрида ҳам акс этади. Айниқса, ўғли Том Жоад ва яқин муносабатда бўлган инсонларидан узоқлашишни истамайди. Бу унинг жонкуяр, меҳрибон ва болажонлигидан дарак беради. Ёзувчи оилада эркак таъминласа, аёл тобе бўлишини, аммо оилада машаққатли кунлар бошланганида, иккаласи тенг ҳаракат қилиши кераклигини, аёлга энди кўпроқ масъулият юкланишини айтади. Қатъий фикрлари билан, Она Жоад оиладагиларининг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлади, ўзининг ишончли ҳаракатлари туфайли унинг фикрлари илиқ кутиб олинади. Жамиятдаги мураккаб вазият инсонлар ўртасидаги муносабатларга ўз таъсирини кўрсатиб, улар энди оилада бошқача муносабатлар ўрнатиш муҳимлигини англаб етишади. Стейнбек мазкур романида уч авлод вакилларида иборат Жоадлар оиласини тасвирлайди. Ҳар бир авлод оилада ўз ўрнига эга, кексалар эса икки авлод ўртасидаги восита ҳисобланади. Жоадларнинг бувиси тириклигида ибодат қилар ва ҳаммани овқатланиш олдидан, бирор бир маросимда ибодат қилишга мажбурлар эди. Аммо унинг вафотидан сўнг, ана шу анъана сусая бошлайди. Ёзувчи оилада ёши улуғларнинг ўрни муҳим эканлигини, улар оиладаги маънавий ақидаларни, анъана ва кадрятларни давом эттирувчи манба эканлигини уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Стейнбек “The Grapes of Wrath” романида тўлиқ оилани тасвирлади, оиладаги аъзолар ёрдамида жамиятдаги турли хил инсонлар кечмишини ифодалади. Муаллиф оила муқаддас ва уни асраб қолиш учун ҳамма бирдай масъул эканлигини уқтиради, энг қийин вазиятда ҳам оила бирга бўлсагина, ҳар қандай мушкулотни енга олишини таъкидлайди. Оилада катта авлод вакиллари, ота - она, фарзандлар орасидаги муносабатлар тасвири орқали ёзувчи инсон ва жамият муносабатларининг асосини оилавий муносабатлар ташкил этишини намоён этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Засурский Я.Н. Американская литература XX века. – Москва: Издательство МГУ, 1984.
2. Зарубежная литература XX века. – Москва: Университетское, 1985.
3. Стейнбек Дж. Гроздь гнева. – Москва: Правда, 1987.
4. Шукуров Н. ва б. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
5. Steinbeck J. The Grapes of Wrath. – USA: Penguin Books, 1986.
6. American literature of the XX century. A group of writers. – USA: Boston University Press-2005.

УДК 930.85

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Т.Қозоқов, доц., т.ф.н., Наманган давлат университети, Наманган

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек адабиётининг йирик вакили Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг маънавият олами ҳақида тарихий манбаларга асосланган ҳолдаги маълумотлар баён этилган.

Калим сўзлар: *Навоий, Хусайн Бойқаро, тахт, Мўмин мирзо, хоразмиоҳлар, асарлар, меъморий иншоот, олим, тасаввуф, хайр-саховат.*

Аннотация: *В данной статье описаны исторические источники о духовном мире Великого представителя узбекской литературы Низомиддина мира Алишера Навои.*

Ключевые слова: *Навои, Хусейн Бойқаро, тахт, Муумин мирзо, хорезмиахи, произведения, архитектурное сооружение, ученый, тасаввуф, благотворительность.*

Abstract: *In this article, information about the spiritual world of the great representative of Uzbek literature Nizamiddin Mir Alisher Navoi based on historical sources is described.*

Key words: *Navoi, Hussein Baykaro, throne, Mumin Mirzo, khorezmshahs, works, architectural construction, scientist, mysticism, charity.*

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир олим, шоир ва давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ибратли ва сермазмун ҳаёт йўлига бағишланган кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. Таниқли шарқшунос ва адабиётшунос олимлар - М.Никитский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Ю.Якубовский, О.Шарафутдинов, М.Ойбек, Ғ.Каримов, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, С.Н.Иванов, С.Ғаниева, Б.Валихўжаев ва бошқалар Навоийнинг ҳаёти, илмий-адабий меросини ўрганишга салмоқли хисса қўшдилар. Ўз даврида Навоийга замондош бўлган тарихчи олимлар ҳам ҳазратнинг шахси, маънавий дунёси, илмий-адабий, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ масалаларга ўз асарларидан жой ажратганлар. Улар жумласига Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495), Абдурахмон Жомий (1414-1492), Мирхонд (1433-1498), Хондамир (1475-1535), Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1430), Зайнуддин Восифий (1485-1566), Муҳаммад Ҳайдар Аёзий(1499-1551)ларни киритиш мумкин. Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритиб бериш асносида буюк шоирнинг шахсий сифатлари, маънавий дунёсига дахлдор масалаларга ҳам тўхталиб ўтганлар. Қуйида ҳазрат Навоийнинг юксак инсоний фазилатлари, бой маънавий оламидан дарак берувчи маълумотлар акс этган асарларга эътибор қаратамиз. Ўз даврининг машҳур тарихчиларидан Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий “**Тарихи Рашидий**” асарида Алишер Навоий ҳақида алоҳида фикрлар билдириб ўтган. Муаллиф Навоийдаги **саховатпешалик, бағрикенглик, илм аҳлларига қилган ҳомийликлари** хусусида қуйидагиларни ёзади: “...Туркий шеърда булардин хоҳ илгари, хоҳ кейин ҳеч киши бу мартабада шеър айтмабдур. Булар шеър илмида устоддурлар. ... Ул навъеки ул миқдор аҳли фазллар ва беназирлар ул замонда халойиқдин пайдо бўлубдурлар, тўласи Мир Алишернинг саъи бирла жамъ бўлубдурлар. ... ҳосилу мулкларини хайроти охиратга сарф қилдилар. Аҳли фазллардин ҳеч киши йўқдурки, аз важҳи улар мураббий бўлмоғон бўлғай. Ҳамма кишини ўзлари ўхшаш бўлмоқни хоҳиш қилур эрдилар. Тамом умрларини хайрот ишлари бирла ўтказур эрдилар”[1].

Шунингдек, Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “**Тазкират уш-шуаро**” асарида Навоийнинг **илм аҳллари учун** қилган хайр-саховати, ҳомийликлари, ўз ҳисобидан ажратган маблағлари хусусида фикр юритади. Жумладан, ўша даврда мадраса, масжид, работ ва дорушшифолар қуришга **500 туман кепакий** сарф қилгани, агарда Амир Алишернинг хайрли ишларини тўлиқ баён этса, воқеалар баёни жуда чўзилиб кетиши мумкинлигини, шу боис фақат пойтахт Ҳиротда амалга оширган савобли ишларинигина ёритишга жазм қилганлигини ёзади [2]. Машҳур тарихчи Мирхонд ўзининг “**Равзат ус-сафо**” асарида Навоий ўз даврининг ўткир **сиёсатдони**, воқеалар ривожига синчковлик билан назар ташлаб қатъий хулосалар чиқара оладиган **давлат арбоби**, темурийлар салтанатида **осойишталикни таъмин этиш учун** жонфидалик қилган шахс сифатида тасвирланган. Биргина Хусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамон мирзо билан отаси ўртасидаги жанжалли масалаларда бир неча бор ўртага тушиб, уруш оловини ёқилишига йўл қўймади. Масалан, 1497 йил Хусайн Бойқаро мирзо Журжон вилоятининг ҳоқими Бадиуззамон мирзони Астрободдан чақириб олиб, Балх ҳоқимлигига тайинлайди.

Бадиуззамон мирзо эса Астрободда ўз ўрнига ўғли Мўмин мирзони қолдириб Балхга келган эди. Шу куни ўғилларидан Музаффар мирзони Қундуз шаҳри қамалида отасини ранжитган бўлишига қарамай Астрободга ҳоким этиб тайинлайди. Бу қарордан Бадиуззамон мирзо ғоят хафа бўлиб, ўғли Мўмин мирзога Музаффар мирзо Журжонга борадиган бўлса, унга шаҳарни топширмаслик, керак бўлса барча лашкарни жам қилиб уруш қилиш лозимлигини буюради.

Хусайн Бойқаро бундан вокиф бўлгач, чуқур қайғуга ботади ва Балхга Бадиуззамон мирзо ҳузурига бир неча бор элчилар юборади. Бирок, бу уринишлар ҳеч қандай натижа бермайди. Шунда Хусайн Бойқаро Балхга қараб кўшин тортишга қарор қилади. Шу пайт Амир Алишер Навоий ҳазратлари подшоҳдан Балхга бориб шахзодани “...дилозорлик биёбонидан хизматкорлик бурчагига қайтарсам...”[3] деб фармони олий беришини илтимос қилади. Фармонга мувофиқ элчи бўлиб борган ҳазрат Навоийни Бадиуззамон мирзо яхши кутиб олади, унинг келишини ўзи учун бир саодат ва шараф деб билади. Отасининг шартларига ҳамда Астробод ҳокимлигини Музаффар мирзога берилишига рози бўлади. Ушбу ҳаракат туфайли Навоий икки ўртада бошланиши мумкин бўлган ўзаро урушга барҳам берилишига ёки бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишини олдини олишга эришади. Бундай воқеалар мутафаккир ҳаётида кўп бўлган.

Масалан, 1499 йил Навоий муборак ҳаж сафарига жўнаш учун Машҳад шаҳрига боради. У ердан ҳажга руҳсатнома олиш учун Марв шаҳрининг қамали билан машғул бўлган султон Хусайн Бойқаро ҳузурига мавлоно Абулхай табибни юборади. Ҳазрат Алишернинг ҳажга ижозат сўраб ёзган мактубларини олган Султон Хусайн Бойқаро мирзо Марв шаҳри ҳокими ўғли Абулмуҳсин мирзо билан сулҳ тузишда воситачилик қилиб, ота-болани яраштириб қўйишни Навоийдан илтимос қилиб жавоб мактубини битади. Айни пайтда Абулмуҳсин мирзо ҳам элчилик учун амир Алишерни талаб қилган эди. Шундан кейин улўғ шоир Марвга бориб бу илтимосни бажо келтиради, икки орада тинчлик сулҳи тузилади. Асарда муаллиф Навоийнинг узокни кўра биладиган **ўткир сиёсатдон** сифатидаги хислатларини ҳам ёритиб берган. Масалан, 1497 йил октябрь ойида Ҳиротнинг Ихтиёруддин қалъасида қатл этилган Мўмин мирзонинг хабарини эшитиб Навоий қаттиқ изтиробга тушиб: “... Мўмин мирзо воқеаси шайх Маждуддин Бағдодий қатлининг ҳукмидадир...”, деб айтади[4]. Чунки, Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Маждуддин Бағдодий Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад томонидан 1217 йили қатл этилгач, Чингизхон кўшинлари томонидан Мовароуннаҳр, Эрон, Хуросон босиб олинди, Хоразмшоҳлар давлати тугатилди. Ҳақиқатдан ҳам кўп ўтмай Хусайн Бойқаро салтанати шайбонийлар томонидан босиб олинади ва бу давлат барҳам топади. Бунинг башоратини эса Алишер Навоий олдинроқ айтган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг **“Бобурнома”** асарида Навоийнинг **илм ва хунар ахлига** кўрсатган ғамхўрликлари ҳақида шундай деган эди: “...Ахли фазл ва ахли хунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум экаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай...”[5].

Хондамир ўзининг **“Хулосат ул-ахбор”** асарида Навоий таъсирида Ҳиротда шаклланган маданий-маънавий муҳит, шоирнинг бевосита ҳомийлиги остида ўз даврининг етук кишиларига айланган ўнлаб адабиёт, илм-фан, санъат, меъморчилик, табобат соҳаси вакилларининг номлари ва таърифи-у, тавсифларини келтириб ўтади. Шу билан бирга Хондамирнинг бошқа асари **“Макорим ул-ахлоқ”** да эса, Навоий илтимосига кўра ёзилган ёки у кишининг хайрли ишлари баён этилган **ўттиздан ортиқ асарларни** санаб ўтади. Бундан ташқари Навоий таъмирлаган ёки янгидан қурдирган **юздан ортиқ меъморий иншоотлар** ҳақида сўз юритади. Ушбу асарда Навоийнинг **маънавий дунёси, гўзал ахлоқи, чегара билмас саховатидан** дарак берувчи кўплаб воқеаларни ҳам келтирган. Хусусан, Бадиуззамон мирзо Астрободда ҳокимлик қилиб турган пайтларида сайр учун чиқиб, Хайробоод кишлоғидан ўтиб қолади. Мазкур кишлоқ аҳолисининг феъл-атворини ёқтириб қолиб, шу кишлоқни бирор киши ҳазрат Навоийдан сотиб олиб берса, яхши бўлар эди, деган фикрни билдиради. Шу онда Амир Алишернинг яқинларидан бўлган хожа Гиёсуддин Муҳаммад Дехдор ўзини ҳазратга ниҳоятда яқин эканлигини маълум қилиб, бу кишлоқни шахзодага тортиқ қилганлигини айтади. Бу хабарни Навоий ҳазратлари эшитгач,

бу ишга яхши амал сифатида баҳо бериб, Ғиёсиддинга махсус сарпо ва бир от пули миқдорида 1000 кепакийни Астрободга юбордилар[6].

Яна бир мисол. 1500 йили шаҳзода Муҳаммад Муҳсин мирзо Сабзавор қалъасида баъзи эҳтиёжлар учун маълум миқдорда ғалла жамғармоқчи бўлади. Лекин Сабзаворда ғалла кам эди. Шунда мулозимлар шаҳардаги омбулхоналарда Навоий ҳазратларининг ғаллалари кўплигини ва ундан вақтинча ишлатиб туриб, кейинчалик қайтиб бериш маслаҳатини берадилар. Шунда Муҳаммад Муҳсин мирзо бу ғаллаларга тегиш у ёқда турсин, унга кўз ташлаш ҳам ножоиз эканлигини айтади. Бу хабар Алишер Навоийга етгач, у зот ғаллани Муҳаммад Муҳсин мирзога тортиқ қиладилар. Шу билан бирга ҳар бир буғдой донаси ўрнида бир донадан марварид бўлганда ҳам уни шаҳзодага инъом этган бўлардик, маъносида мактуб ҳам йўллайдилар.

Яна бир мисол. 1500 йилнинг август ойида Хусайн Бойқаро Мозандорон вилоятига ташриф буюриб, давлат харажатлари учун Ҳирот аҳолисидан 100 000 динор кепакий йиғиб олишни амр этади. Шунда Алишер Навоий солиқнинг 50 000 динорини шахсий пулларида бериб юбордилар. Бунинг боисини сабабини сўралганда, ўринсиз солиқлар улкан давлат шаъни учун муносиб эмаслигини айтадилар[7]. Мазкур давр манбаларида Навоийга берилган таъриф, унинг маънавий дунёсига берилган ҳаққоний баҳо, десак янглишмаган бўламиз. **“Олиҳиммат амир, хидоятли амир, ҳазрати хайрулбашар амир, дарё кўнгилли амир, дунё буюкларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи, саховат майдонининг эгаси, иззат ва буюклик доирасининг маркази”** каби таърифлар асарларда Мир Алишер Навоий жанобларига нисбат эди. Тагин бир эътиборли жиҳати, Навоий ҳазратлари тарих илмининг ҳам улкан билимдони сифатида **“Тарихи анбиё ва ҳукамо”** ва **“Тарихи мулки аҷам”** номли асрлари мавжуд. Бинобарин, Мажидуддин Бағдодийнинг ўлими тафсилоти ва ундан кейин кечган воқеалар баёнининг шарҳлаб беришлари ул закийнинг тарих илмида ҳам беназир бўлганликларидан далолатдир. Алишер Навоий қаламига мансуб **“Насойимул муҳаббат”**[8] асарида мусулмон дунёсидаги 770 нафар машҳур олимлар ва шайхлар ҳақида қимматли маълумотлар қайд этилган. Зотан, ушбу асарни ҳеч муболағасиз ўрта аср алломалари ҳақида маълумот берувчи қомусий асар деб аташ мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, Алишер Навоий ҳазратларининг тарих фани хазинасига қўшган ҳиссаларини ўрганиш бугунги кун тарихчиларининг олдида турган хайрли ишлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аъзий. Тарихи Рашидий.-Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.283-284.
2. Давлатшоҳ Самарқандий. “Тазкират уш-шуаро”. Навоий замондошлари хотирасида. –Т.: Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1985. –Б.18.
3. Мирхонд. “Равзат ус-сафо”. Навоий замондошлари хотирасида.-Тошкент: Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1985. -Б.46-47.
4. Мирхонд. “Равзат ус-сафо”. Навоий замондошлари хотирасида.-Тошкент: Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1985. –Б.50.
5. Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1990. –Б.137.
6. Хондамир. “Мақорим ул-ахлоқ”. Навоий замондошлари хотирасида. -Тошкент: Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1985. –Б.99.
7. Хондамир. “Мақорим ул-ахлоқ”. Навоий замондошлари хотирасида.-Тошкент: Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1985. –Б.101.
8. Алишер Навоий. “Насойимул муҳаббат”.-Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011. –Б.472.

УДК 81:001.4

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ФОРМИРОВАНИЯ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОЙ НАУКИ

Х. Бабаджанов, профессор, к.п.н., Ургенчский государственный университет, Ургенч
Н. Матякубова, магистрант, Ургенчский государственный университет, Ургенч

Annotatsiya. Ushbu maqolada tilshunoslik terminologik fanining tarixi va shakllanishi haqida so'z boradi. Shuningdek, terminologiyani tizimlashtirish va tartibga solish bilan bog'liq muammolarni o'rganadi. Terminologiya fanining asosiy yo'nalishlari haqida qisqacha ma'lumot beradi va atamalni lingvistik nuqtai nazardan tarjima qilishdagi asosiy aksiomalar ko'rsatadi.

Kalit so'zlar: *atamalar, terminologiya, atamashunoslik, terminologik faoliyat, standartlashtirish terminologik maktablar, terminologiyaning yo'nalishlari, aksiomalar.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается история и процесс становления лингвистической терминологической науки. В ней также исследуются проблемы, связанные с систематизацией и упорядочиванием терминологии. Также в ней представляется краткий обзор основных направлений терминологической науки и показаны основные аксиомы перевода терминов с лингвистической точки зрения.*

Ключевые слова: *термин, терминология, терминоведение, терминологическая деятельность, стандартизация, терминологические школы, направления терминоведения, аксиомы.*

Abstract. *This article discusses the history and formation of linguistic terminological science. It also explores the problems associated with the systematization and streamlining of terminology. It also provides a brief overview of the main areas of terminological science and shows the main axioms in translating terms from a linguistic point of view.*

Key words: *term; terminology; terminological study; terminological activity; standardization; terminological schools; directions of terminology; axioms.*

Становлению терминоведения, как особой дисциплины, предшествуют периоды, когда ученые сами того не осознавая, формировали терминологию своих предметных областей, тем самым занимаясь терминотворчеством. Большинство стран Европы начали накапливать терминологию в период эпохи Возрождения, когда терминологические системы множества новых для того времени наук складывались стихийно. В эту эпоху появились такие ключевые понятия исследуемой дисциплины, как «термин» и «терминология».

Необходимость создания терминологической науки появилась ещё в XVIII веке. Многие ученые и другие специалисты осознали важность использования точной терминологии в своих областях, например, Линней (1707-1778) и Лавуазье (1743-1794) создали систематические номенклатуры для своих областей: в естествознании, медицине и химии. К концу XIX века международные правила были установлены для ботаники, медицины, химии и т. д. Терминология стремительно развивалась, и в результате этого появились различные виды совместной терминологической деятельности.

Выделение науки о терминах как самостоятельного направления науки происходит в конце 20-х – начале 30-х гг. XX в. В данный период появляется необходимость в деятельности с теоретической и методической точек зрения, необходимых для упорядочения и стандартизации огромного количества терминологических единиц.

Терминологическая наука, как независимая дисциплина, была создана австрийским инженером Юдженом Вьюстером (1898-1977), чья докторская диссертация «Internationale Sprachnormung in der Technik, besonders in der Elektrotechnik» («Международное нормирование речи в технике, в частности, в электротехнике») была опубликована в 1931 году. Он объединил теории и методы из нескольких дисциплин, таких как лингвистика, логика, онтология и информатика. А перевод его труда на русский язык стало толчком, благодаря которому общественность проявила интерес к технической терминологии, а также в стандартизации терминов. Это повлекло за собой цепь других немаловажных событий. Как отмечал Питч(1984), перевод работы Вьюстера на русский язык привел к тому, что был создан Технический Комитет при Международной Ассоциации Стандартизации, который успешно работал вплоть до 1937 года. Из-за вспыхнувшей в то время Первой мировой войны, деятельность комитета пришлось прекратить, но интерес к терминоведению возобновился в 1950 году и снова благодаря интересу Вьюстера в данной сфере.

Однако существует и другое мнение насчет становления терминоведения как самостоятельной дисциплины. Согласно ученому Ронду (1983), настоящим отцом терминологии как отдельной научной дисциплины является Д. С. Лотте, основатель российской терминологической школы. В то время как Лотте был заинтересован в

теоретических и методологических вопросах, Вьюстер работал над обработкой терминологических данных, и не начинал работать над разработкой теории терминологии вплоть до 1970х годов.



Рис. 1. Четыре аспекта терминологической работы

Следующее крупное событие, которое сильно повлияло на становление терминоведения, - это основание в 1926 году Международной Ассоциации Стандартизации, которая стала первой организацией по стандартизации терминологии. В 1971 году возрастающий интерес в обработке терминологии подтолкнул ЮНЕСКО к созданию Infoterm, международного центра для терминологической документации.

В 1969 году Вьюстер опубликовал свой очередной труд под названием «Die vier Dimensionen der Terminologierarbeit», в котором он впервые привел четыре аспекта терминологической работы (рис 1).

Примерно в то же время работы таких выдающихся ученых как Э. К. Дрезена, Г. О. Винокура, заложивших фундамент советского терминоведения, были также опубликованы.

В 1967–1968 гг. впервые были высказаны мнения о том, что терминология должна быть самостоятельной областью знания. Тогда же В. П. Петушков и Б. Н. Головин, в целях разграничения двух значений термина терминология («совокупность терминов различных областей производства, техники, науки, искусства, общественной жизни и т. д.» и «наука о них»), предложили назвать новую научную дисциплину «терминоведение».

Со временем складываются различные терминоведческие школы: советская, позднее – российская, австро-германская, чешская, скандинавская, романская, канадская (квебекская) и др. и естественно, что вышеупомянутые терминоведческие школы различались своей философией, теоретической и методологической платформой. На основе данных направлений формируются различные теории терминоведения. В это время сложились теории О. Вюстера, Д.С. Лотте, Э.К. Дрезена, А.А. Реформатского, В.А. Татарина, П.А. Флоренского, применялись концепции термина и терминологии, отталкивающиеся от лингвистического подхода Г.О. Винокура, О.С. Ахмановой, В.П. Даниленко, А.В.Суперанской. Канадский терминолог Г. Рондо, в свою очередь, утверждал, что родиной терминологии как научной дисциплины является бывший СССР. Это можно утверждать из

того, что в то время, например, в Австрии учёные занимались преимущественно методами обработки терминологических данных.

Впервые название предмета «терминоведение» было введено в обращение В.П. Петушковым и Б.Н. Головиным и позднее было заимствовано западными учеными (terminology science, Terminologielehre).

Существует ряд обозначений, целью которых является уточнение значений данного термина. Это такие выражения, как общая терминология, общая теория терминологии, терминологическое учение, коррелирующие со словами терминолог, терминологический. По мнению ряда ученых понятие «терминоведение» является недостаточно точным, суженным. Однако большинство ученых используют именно данный термин (В.А. Татаринов, В.И. Сифоров, Т.Л.Канделаки, В.М. Лейчик, Ф.А. Циткина, А.В. Перфильева, С.Г. Казарина и др.).

Изначально понятие «терминология» означало лишь систему или группу специальных слов, применяемых в определённой области науки. Однако с развитием данной предметной области, это понятие расширилось, и на данный момент означает также и учение об образовании, составе и функционировании терминов.

На сегодняшний день журнал о терминологии Termnet News предоставляет информацию о новинках по терминологии в различных частях света, что дает возможность терминологам проследить за новостями в данной предметной области. Создание международного информационного центра для терминологической документации Infoterm организацией ЮНЕСКО позитивно повлияло на формирование дисциплины, а также стало неотъемлемым фактом распространения терминологической деятельности по всему миру.

В последнее время работа по созданию «отраслевых» лингвистических терминосистем стала очень популярной среди лингвистов - термиологов. Касательно нашей страны, ряд ученых лингвистов уже ведут свою научную деятельность в сфере терминологий различных областей науки. К ним относятся Косимов А., Эрметова Ж. И., Палуанова Х.Д., Ахатова М.С., Пардаева И.Х., Ёдгоров Х.Э и др. За последние годы в Узбекистане были опубликованы словари различного рода, которые включают в себя терминологические единицы, относящиеся к различным видам наук. Лингвистика, особенно лексикология и лексикография, создали основу для описания словарного запаса общего языка, но еще не были достаточны. Основными аксиомами общей теории терминологии являлись и являются:

- 1) терминологическая деятельность (терминография, терминологическая лексикография) начинается с понятия, и его цель состоит в том, чтобы четко отделить понятия друг от друга;
- 2) понятия и термины рассматриваются как отдельные единицы;
- 3) акцент делается на синхронный взгляд;
- 4) понятия и термины могут быть изучены только в их отношении к связанным понятиям и терминам;
- 5) организация терминологических записей является систематической или тематической, а не буквенной. Было также сочтено необходимым управлять лексическими ресурсами, используемыми в специальных областях.

В заключение можно сказать, что благодаря становлению терминоведения как науки были выдвинуты актуальные проблемы, связанные с многозначностью терминов, их синонимичностью, а также с их сопоставимостью в разных языках. Мы считаем, что для оценки глубины проблем необходимо в корне оценить материал, сопоставить его и оценить конкретное состояние диалектологических терминосистем в английском, русском и узбекском языках.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Eugen Wüster. Internationale Sprachnormung in der Technik, besonders in der Elektrotechnik. VDI Verlag, 1931

2. Ermetova J.I. Comparative analysis of the use of punctuation marks dash and hyphen in English and Russian, Urgench, Actual problems of modern science education and training in the region. Сб. статей 2018
3. Corbeil, Jean-Claude. 1983b. "Préface de la deuxième édition". Introduction à la terminologie by Guy Rondeau. Chicoutimi: Gaëtan Morin. 25—34.
4. Казарина С.Г. Типологические исследования в терминоведении // Филологические науки. 1998. № 2. С. 66–73.
5. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. 3-е изд. М.: Изд-во ЛКИ, 2007. 256 с.
6. Моисеев А.И., Немченко В.Н. Основные понятия лексикологии в терминах. Учебный словарь-справочник. Н. Новгород, 1995 // Филологические науки. 1996. № 5. С. 117–120.
7. Татаринцов В.А. Из истории отечественного терминоведения: Эрнест Карлович Дрезен // Филологические науки. 1993. № 3. С. 113–119.
8. Циткина Ф.А. Сопоставительное терминоведение: теоретические вопросы и приложения // Вопросы языкознания. 1987. № 4. С. 114–124.

UDK 808.5

ОБ ИЗУЧЕНИИ ПОТЕНЦИАЛЬНОГО СЛОВАРЯ ПРИ ЧТЕНИИ ТЕКСТОВ ПО СПЕЦИАЛЬНОСТИ

Д.А. Рузметова, преподаватель, Государственный Педагогический Университет, Ташкент

Аннотация. *Мазкур мақолада иқтисодиёт йўналишида тахсил олувчи талабаларга инглиз тили потенциал лексикасини ўргатиш технологияси тўғрисидаги масалалар кўрилган.*

Калим сўзлар: *потенциал лексика, репродуктив лексика, суффиксация, рецептив, сўз ясаш.*

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы о потенциальном словаре английского языка и методике формирования его в вузах экономического профиля.*

Ключевые слова: *потенциальная лексика, репродуктивная лексика, суффиксация, рецептивный, производное слово.*

Abstract. *The article deals with the matters of potential vocabulary in English and its methods of formation in the groups of economics in higher education.*

Key words: *potential vocabulary, reproductive lexicon, suffixion, receptive, formative.*

При изучении языка, будь это родной, второй или иностранной его лексическая сторона представляет особую важность. Лексика, как правило, бывает реальной, усвоенной в речи (репродуктивной и рецептивной, потенциальной), она не было изучена ранее, но имеется возможность узнать в процессе восприятия текста (графического или аудиотекста). О потенциальном словарном запасе обучающихся проведено множество исследований. В частности, опубликовано весьма солидная научная работа о математической потенциальной лексики. В данной статье речь пойдет о семантизации экономической потенциальной лексике. По определению Солововой Е.Н., активный словарь – это та лексика, которой человек постоянно пользуется в устном речевом общении, т.е. те слова, которые находятся на кончике языка, как говорят англичане. Если слово долго не употребляется, то оно переходит в пассивный словарь, т.е. может быть узнано при чтении и аудировании, но не используется в речи. Границы между ними очень подвижны, могут меняться в зависимости от ряда условий. Помимо этих четко ограниченных «замкнутых словарных минимумов», важно развивать также потенциальный словарь учащихся.

Потенциальный словарь носит «открытый» и индивидуальный характер. Он возникает на основе самостоятельной семантизации учащимися неизученной лексики в момент чтения. Его объем и развивающийся на основе этого объема лексический навык находятся в прямой зависимости от степени овладения каждым учащимся активным и пассивным минимумами (Рогова Г.В.). Потенциальный словарь складывается: на основе слов, состоящих из знакомых словообразовательных элементов (знание способов словообразования и значения аффиксов, сложных слов), и слов, значение которых выводимо по конверсии, например: water – to water,

milk – to milk; petit – un petit при помощи понимания интернациональной лексики. Особым источником потенциального словаря является *языковая догадка*, очень важная составляющая самостоятельной семантизации слов. В ней много случайного и неосознанного. Исследователи вывели три группы подсказок языковой догадки: внутриязыковые, межязыковые и внеязыковые. Внутриязыковая подсказка вытекает из отнесения слова к определенной грамматической категории, выявления его функции в предложении. Большую роль выполняют и словообразовательные элементы.

При работе над текстами студенты-экономисты часто встречаются слова, которые они могут понять без словаря, если у них сформированы навыки самостоятельной семантизации. Такие слова принадлежат к *потенциальному словарю* (ПС) студента, в который входят аффиксальные производные, сложные и многозначные слова, конвертированные образования и слова одного корня, ранее не встречавшиеся, но возможные при знании основных продуктивных словообразовательных моделей языка. Отсюда следует, чтобы принадлежать к потенциальному словарю обучаемых, слово должно быть:

- производным;
- образованным от знакомой основы и связанным с ней по корню и смыслу;
- образованным знакомым способом.

Раскрытие лексического значения единицы потенциальный словарь может осуществляться либо на основе выводимости, либо по догадке. Выводимость – это сообразное выведению значения слова в опоре на подсказки, заложенные в нем самом, и на контекст, когда таких подсказок недостаточно.

В суффиксальных производных опорах служат:

- а) знакомое значение производящей основы;
- б) значение суффикса;
- в) часть речи производного.

При этом значение суффикса часто показывает, каким образом производное слово связано с исходной основой. У всех суффиксальных производных, принадлежащих к одной словообразовательной модели, имеется общая формула толкования лексического значения (семантическая схема или дефиниция слова). Так, существительные со значением лица имеют формулу «тот, кто + исходное слово», например: *manufacturer – one who manufactures, designer – one who designs, dealer – one who deals with business, exporter – one who exports the goods*.

При работе с суффиксальными моделями рекомендуется раскрывать лексическое значение производных с помощью семантических схем.

Студентам предлагается образовать существительные с помощью суффиксов *-er / -or* от глагольных основ: *to bank, to produce, to train, to carry, to project, to observe, to manage, to count, to sell*.

При ознакомлении с моделью словообразования $n + -ful = n$ преподаватель объясняет, что слова с суффиксом *-ful* обозначают наличие качества или свойства, а суффикс имеет значение *полный*: *trustful – полный доверия, cheerful – полный радости (веселья), respectful – полный уважения*.

Суффикс отрицательного значения *-less* употребляется для образования прилагательных со значением отсутствия качества или свойства, выраженного корневым словом – именем существительным. По своему значению суффикс *-less* соответствует приставкам русского языка *-без, не-*: *checkless (having no check), nameless, certificateless, cashless, useless, harmless*.

Слова с суффиксом *-able/-ible* обозначают способность подвергаться действию, выраженному глаголом: *barterable, transportable, countable, changeable, bankable, importable, responsible*.

Таким образом, для понимания слов необходимо знать значение суффикса, модель и часть речи производного.

Поскольку в сложных словах внутрисловной опорой можно считать определенную смысловую структуру слова, тогда второе слово всегда является главным, первое служит определением к нему. На этом основании значение многих сложных слов, образованных по модели $n + n$, может быть выведено по правилу левого определения: левое слово является определением к правому, главному по значению, например: *final price* – окончательная цена, *world bank* – всемирный банк, *universal money* – мировые деньги, *contract bond* – контрактная гарантия, *exchange rate* – валютный курс, *trade house* – торговая фирма. Многочисленные слова имеют иногда тесную смысловую связь с известным студентам-экономистам значением и регулярные соответствия в родном языке. Например, и в английском, и в русском языках совпадают некоторые значения многозначного слова (*economy*, *finance*, *system*, *manufacture*, *qualification*, *agency*).

Но поскольку значение многозначного слова проявляется только в контексте, принято говорить не о языковой, а о контекстуальной выводимости. В связи со сказанным, делаем вывод о том, что при раскрытии значения суффиксальных производных и сложных слов, имеющих достаточно внутрисловных опор, а также при семантизации значений многозначных слов, тесно связанных по смыслу, используются приемы, основанные на выводимости: толкование слова с помощью семантической дефиниции, опора на правило левого определения, контекстуальная выводимость. В тех случаях, когда опор внутри слова недостаточно, чтобы понять его значение, используется прием языковой или контекстуальной догадки.

Таким образом, для успешного усвоения приемов семантизации необходимо создавать определенную мотивацию, стимулирующую и направляющую эту деятельность. Действенным в системе мотивов является тот факт, что умение самостоятельно семантизировать не встречавшуюся ранее производную лексику помогает понимать тексты при чтении. Кроме того, сама работа со словообразовательным материалом стимулирует студентов к исследованию возможностей языка.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: Чет тиллар олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.
2. Заботкина. В. И. Новая лексика современного английского языка. Высш.шк., 1989
3. Земская Е. А. Словообразование как деятельность. – М., 1992, – 92 с.
4. Побединская С. Е. Некоторые приемы формирования потенциального словаря учащихся при обучении английскому языку // ИЯШ.1984. – №2.
5. Рогова Г. В., Рабинович Ф. М., Сахарова Т. Е. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. – М.: Просвещение, 1991. – 287с.
6. Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. – М., 1956.
7. Ханпира Эр. Об окказиональном слове и окказиональном словообразовании. Развитие современного русского языка. – М., 1961.
8. Царев П. В. Потенциальная лексика в современном английском языке // Иностранные языки в школе. – М., 1980. – №4. – 41с.

ЎУК: 82-1/29

ОШИҚ ЭРКИН ШЕЪРИЯТИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ Л. Самандарова

Аннотация. Мақолада шоир Ошиқ Эркиннинг лирик асарларида фольклор анъаналаридан фойдаланишига эътибор қаратилади. Қўшиқчи шоирнинг мақол, матал ва турли иборалардан лирик шеър бадииятини юксалтиришидаги маҳорати ёритилади. Шоир шеърларининг оммавийлигини таъминлаида фолклоризмларнинг роли кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: Ошиқ Эркин, шеър, қўшиқ, фолклоризмлар, мақол, матал, иборалар.

Аннотация. В статье основное внимание уделяется использованию фольклорных традиций в лирических произведениях Ошика Эркина. Освещается мастерство поэта – песенника в придании художественности лирическому стихотворению посредством

пословиц, поговорок и различных оборот речи. Раскрывается роль фольклоризмов в деле популяризации стихотворений поэта.

Ключевые слова: Ошик Эркин, стихотворение, песня, фольклоризмы, пословица, поговорка, обороты речи.

Abstract. The given article is devoted to paying to attention to using of folklore traditions by Oshik Erkin in his lyric works. The skill of the bard (singer poet) in developing the artistry of lyric poetry through proverbs, sayings and various idioms. The role of folklorisms in providing the popularity of the poet's poems is skoon.

Key words: Oshik Erkin, poem, song, folklorisms, proverb, saying, idioms.

Шеърят инсоният бадий тафаккурининг илк меваларидир. Уларнинг пайдо бўлишида ибодат ва маросимларнинг роли катта бўлди. Чунки дин арбоблари бўлган кохинлар кўшиқларни речитатив (куй оҳангида) ижро қилганлар. Кўшиқ ритмга солинган нутқ тарзида бўлган [1].

Наср эса назмдан анча кейин юзага келган [2]. Кўшиқлар асосида пайдо бўлган сага (достон) жанри энг қадимги эпос намуналари бўлиб, мифлар таъсирида яратилган бўлса-да, уларда қоришққ реализм кўринишлари намоён бўлади [3]. Чунки қадимда мифлар кўшиқ тарзида маросимларда рақс билан ижро этилган [4].

Бинобарин, поэзия инсоният маънавиятининг ибтидоий кўринишларидан биридир. Ёзма адабиёт юзага келгандан кейин ҳам шеърятнинг яқин йўлдоши кўшиқлар бўлиб қолган. Шу сабабли ёзма адабиётнинг энг талантли намояндалари ўз шеърятда халқ кўшиқлари оҳанглирига мурожаат қилишади. Ушбу усул фанда фольклоризмлар деб юритилади. “Фольклоризмларнинг йўналишларини тадқиқ қилиш, ижодкорларнинг бадий маҳоратини ёритишда ва уларнинг халқ маънавий маданиятига муносабатини ойдинлаштиришда катта роль ўйнайди” [5].

Ўзбек адабиёти намояндалари, шубҳасиз, биринчи навбатда ўзбек халқи томонидан яратилган оғзаки бадий ижодиётдан илҳом ва таълим олганлар [6].

Биз сўз юритмоқчи бўлган Хоразм адабий муҳити ижодкорлари ҳам ушбу анъанадан бебаҳра қолишмаган.

Халқ ижодиётдан илҳом олиш, унинг фаол турлари бўлган мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, халқ тилининг образли ифодаларига бой воситалари ўзбек адабиётининг равнақиға мислсиз ижобий таъсир кўрсатади [7].

Хоразм шоирлари ижодига разм солсак ушбу анъананинг ёрқин намуналарига гувоҳ бўламиз.

Хоразм адабий муҳитида 50 йиллардан бери кўшиқчи шоир сифатида танилган Ошиқ Эркин мустақиллик йилларида янада қойилмақом ижодий зафарларға эришди.

Шоир ижодида дастлаб кўзға ташланадиган нарса афоризмларға хос фольклоризмлардир.

Ошиқ Эркин кўшиқчи шоир, бунинг устиға таҳаллусни ҳам “Ошиқ” тарзида бежиз танламаган. Шундай экан, унинг ижодида севги-муҳаббат мавзуси алоҳида кўзға ташланиб туради. У шеърларида мақол ва ҳикматли сўзларни кўллаганда кўпроқ ишқ мавзусидаги ибораларға мурожаат қилади:

Биларсиз **севги ёш танламас**, деган,
Бордир эл ичинда масал, Гулнора [8].

Шоир қалб изҳорини мақол келтириш билан асосламоқчи бўлади ва мисраларнинг ҳам салмоқдорлигини рўёбға чиқаради.

Иккинчи бир жойда шоир мақолни истифода этар экан, ундан ёрға бўлган илтижо маъносини кучайтириш мақсадида фойдаланади.

Зорим бору зўрим йўқ, гар келсанг-ана бағрим.

Узокдир Ошиқ Эркин хаёли зўрламоқдан. (“Ўлгунча сизни дерман”, 49-бет.)

Ошиқ шоир шеърларида ҳамиша илоҳий севгини тараннум қилади. Бу борада аксарият ҳолларда мақол ва афоризмлар қатидаги барқарор ғояларга суянади:

Бир нақл бор: **“Муҳаббатнинг кўзи кўрдир”**,

Агар севсанг, ёрда нуксон нима қилсин. (“Ўлгунча сизни дерман”, 121-бет.)

Ошиқ Эркиннинг лирик қаҳрамони ҳамиша ошиқ ва маъшуқалардир. Шу боисдан ҳар бир афористик ибора севги-муҳаббат билан боғланиб кетади. Шеър мисраларини оҳангдор ва таъсирчан чиқиши учун шоир мақол ва маталларнинг турли кўринишларини шеър таркибига жойлайди:

Ўсма кетар-ку қош қолар, дўппи кетарку бош қолар,

Жоним, Ошиқ Эркин билан яйрамасинми бошқалар. (“Ўлгунча сизни дерман”, 69-бет.)

Шоирнинг маҳорати шу ердаки, мақол матнидаги “бош қолар” бирикмасига “бошқалар” сўзини қофия қилгани ҳолда ажойиб сўз ўйинини рўёбга чиқаради ва ўз навбатида айрича маънога эга бўлган шаклдош сўзларни кашф қилади.

Шоир халқ мақолларидан фойдаланар экан, уларнинг шаклини қайта ишлаган ҳолда ўзи ҳам ҳикматли сўзларни ижод қилади:

Сув кўрмайин асло этик ечиб бўлмас,

Яхши кўрган севар ёрдан кечиб бўлмас. (“Ўлгунча сизни дерман”, 99-бет.)

Куйидаги мисраларда ҳам шоирнинг новаторлиги намоён бўлади:

Эркам, ёдингда тут-ўтар дунё бу,

Бир гун галиб “гўтар-гўтар” дунё бу... (“Ўлгунча сизни дерман”, 69-бет.)

Иккинчи мисрадаги ибора мақол бўлмаса-да, халқона ибора бўлиб, биринчи мисрадаги маънодорликни кучайтиришга ёрдам беради.

Ижодкор мақол ва маталларни ишлатишда турли усулларни қўллайди. Баъзан уларни айнан келтирса, айрим жойларда шаклан ўзгартиради. Аксарият ҳолларда ундаги дидактик руҳни сақлаган ҳолда панд-насихат руҳида мисраларни кашф қилади.

Тикмагил оғзингга бирдан иккала панжангни ҳам,

Дўсту ёринг зумда ёнингдан куён бўлғай сенинг.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 29-бет.)

Халқ тилида “беш панжани оғзига тикмоқ” ибораси кўп ишлатилади. Шоир ана шу ибора мазмунига суянган ҳолда ҳикматомуз мисралар яратади. Очкўз одам атрофидан дўсту ёрнинг қочиши ҳақида эслатиб, инсофли ва диёнатли бўлишга чақиради.

Ошиқ Эркин халқона иборалар танлаганда устозлар бисотидан ҳам ижодий фойдаланади. У Алишер Навоий яратган:

Одами эрсанг, демагил одами,

Они ким йўк, халқ ғамидин ғами, мисраларига ҳамоҳанг байтлар ихтиро қилади:

Замондошим гар сарвари олам эсанг,

Берма озор, одамларга одам эсанг... (“Ўлгунча сизни дерман”, 29-бет.)

Устозлар бисотига мурожаат куйидаги мисраларда ҳам намоён бўлади:

Сураб гўзал бирла вафодир қолиб,

Мудом аҳли нодон кайфу сафони. (“Ўлгунча сизни дерман”, 136-бет.)

Ушбу мисралар Муқимийнинг

Айшини нодон суриб,

Кулфатни доно тортадур, шаклидаги халқона сатрларига ҳамоҳанг келади. Мақоллар, ҳикматли сўзлар ижодкорининг ҳар бир шеърида ўзини намоён қилиб туради. У мақол тарзидаги иборани келтирар экан, ижодий мақсадни амалга оширади. Тайёр сатрга сатр кўшиб, афоризмга хос байтлар яратади:

Муҳаббатни чидаганга чиқарган,

Ким чидамас- ранги рўйи сомондир.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 137-бет.)

“Халқнинг юз йиллар мобайнида яратган мақол ва афоризмлари, кулги қўзғовчи сўз ва образли ифодалари мураккаб ҳодисалар моҳиятини ва халқ дунёқарашини ифодалай олиш

кудратига эгадир. Шу важдан ҳам жаҳон адабиёти мумтозлари халқ мақоллари ва халқ ижодининг бой ва гўзал тилига юксак баҳо бериб келдилар [9].

Ўзидан олдинги буюк ижодкорлар анъанасини давом эттирган Ошиқ Эркин ҳам фольклор асарлари таъсирида ижод қилиб камолга етди ва халқ орасида машҳурлик қозонди.

Шоир шеърларида фақатгина мақол ва афоризмлардангина фойдаланиб қолмасдан халқ сўзлашув нуткидаги образли ифодалар, учирик сўзларга ҳам мурожаат қилиб фусункор мисралар яратди.

Ошиқ Эркин кўшиқчи шоир. Кўшиқ ёзишда обрў қозонган Туроб Тўланинг айтишича, кўшиқ ўзи адабиётда алоҳида жанр. Агар кўшиқ ҳақиқий қаламда бўлса, халқона бўлса, теран, рангин, самимий бўлса, уни тан олишади [9].

Ошиқ Эркин кўшиқ жанри моҳиятини яхши ҳис қилади. Шу боисдан унинг кўшиқлари машҳур хонандалар томонидан қуйланиб, халқ орасида машҳурлик қозонган. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг халқона оҳангда битилганидир. Шоир образи ифодалардан, халқона ўхшатишлардан, сўзлашув тилидаги сайёр иборалардан усталик билан ижодий фойдаланади:

Кўнглимга ларза солган дийдоринг сени ойдек,
Лаълингни боли, эркама, новвот қўшилган чойдек
Юрмоқдаман сени мен тоганимдан бу ёна,
Муҳаббатнинг шаҳринда гўё минг қўйли бойдек.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 170-бет.)

Байтлардаги “новвот қўшилган чойдек”, “гўё минг қўйли бойдек” иборалари халқ орасида кенг оммалашган образли ифодалардир. Уларнинг мисраларга сингдириб юборилиши кўшиқнинг мусиқавийлиги ва халқона оҳангдорлигини таъминлайди.

Ижодкор кўшиқ ёзар экан, халқ шеърлятидаги анъанавий ўхшатишларни жамлаб ўйноқи ва самимий мисралар яратади.

Киприги ўқ, қоши ҳилол, қуёш ёноқда қўш қора хол,
Тишлари дур, тиллари бол, ой деса ой, кун деса кун.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 257-бет.)

Ошиқ Эркин Хоразм ўғуз лаҳжасига мансуб турли образли ифодалар, барқарор бирикмаларни яхши билади. Шу боисдан шеърларида тез-тез уларнинг турли шаклларида фойдаланишга ҳаракат қилади:

Ишқингда дири ёқдинг хивали қиз сан мани,
Қоши сурма, қўллари хинали қиз сан мани. (“Ўлгунча сизни дерман”, 61-бет.)

Хоразмда, хусусан Хивада “дири ёқдинг” бирикмаси фаол ишлатилиб, “тирик ёқдинг”, “тоқатимни тоқ қилдинг”, “қийнадинг” маъноларини беради. Ушбу бирикма кўшиқдаги лирик қаҳрамоннинг изтиробли қалб нидосини ифодалашга хизмат қилдирилган.

Қуйидаги байтлар ҳам халқ сўзлашув тилига хос ифодаларни ўз таркибига сингдириши билан эътиборга лойиқ:

Муҳаббат ёшина етиб, иби-иби,
Лол этди ёр шайдо этиб иби-иби.

Париман деб осмондадур димоғлари,

Юлдуз санар ўздин кетиб иби-иби. (“Ўлгунча сизни дерман”, 182-бет.)

Мисралардаги “иби-иби” бирикмаси ўғуз лаҳжасида ҳайратланиш, ажабланишни ифодалайди. Шоир дастлаб маъшуқанинг гўзал қомастига олқиш айтиб, ҳайратланади. Кейинги байтда унинг димоғдорлигидан ажабланади. Мисралар охиридаги бирикма эса шеърга жарангдорлик бағишлаб эшитувчи эътиборини тортади. Ошиқ Эркин халқ сўзлашув тилини, шевадаги лексик маънодорликни яхши идрок қилади. Халқ дostonларидаги ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, киноя каби воситаларга мурожаат қилиб, халқона, ўйноқи мисралар кашф этади:

Сийналари анордек, гўё пайванди нордек,
Кулоч-кулоч сочлари товонин ўпар мордек

Шахду шакар юзлининг, мен севган ой юзлининг.
 Қоши камон чашми ўқ, йўқ, ундаин гўзал йўқ,
 Айт ўзинг Ошиқ Эркин, қоматлари дўли-дўқ,
 Шахду шакар сўзлининг, мен севган ой юзлининг.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 64-бет.)

Одатда, Хоразм дostonлари тилида “нордек”, “мордек”, “Шахду шакар”, “Қоши камон” каби ўхшатиш ва сифатлашлар фаол қўлланади. Мор –илон маъносига эга бўлиб, аксарият ҳолларда маъшуканинг сочларига қиёс сифатида келтирилади. Шоирнинг халқона кашфиётлари яна шунда кўринадики, у узун тушунчасини шевада ишлатиладиган “қулоч” сўзининг такрори воситасида, тўла қиёфали деган тушунчани “дўли-дўқ” тарзида ифодага тортадики, ушбу шева унсурлари шеърнинг равон, мусиқий бўлишини ва жозибаторлигини таъминлайди. Ошиқ Эркин халқ этнографиясини, унинг маиший турмуш тарзини, олқиш ва қарғишларини ҳам тўла тасаввур этувчи, дунёқараши кенг шоирдир. Айрим шеърларида у олқиш, қарғиш ва самимий тилакларнинг халқона намуналаридан фойдаланиб, гўзал ифодалар яратади:

Яхшилик-яхшининг юрган излари,
 Тўйлар қилиб, ахтиқ севар дизлари,
 Ёмонларнинг тарса дўнсин юзлари,
 Беш кунлик бу ёлғончида дўстларим,
 Ёмон кун тушмасин бошларингизга. (“Ўлгунча сизни дерман”, 85-бет.)

Шоир банд таркибига олқиш, қарғиш ва тилакларни усталик билан жойлаштира олган. Ушбу шеърда Хоразмда оммавийлашган халқларнинг тўй қўшиқлари таъсири сезилади.

Бинобарин, Ошиқ Эркин шеърларига разм солар эканмиз, уларнинг замирида халқона самимият, соддалик, равонлик, ўйноқилик, оҳангдорлик булоқдек мавж уриб туради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Косвен М.О.Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Т.: Фан, 1960. –Б.180 (240)
2. Кожинов В.В. Как пишут стихи. –М.: Просвещение, 1970. –С.90 (240)
3. Стеблин –Каменский. Мир саги. Становление литературы. –Л.: Наука. 1986. –С.32. (246)
4. Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. –М.: Наука, 1986. –С.6. (320)
5. Далгат У.Б. Литература и фольклор. –М.: Наука, 1981. –С.69.
6. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. –Б.10.
7. Собиров О. Адабиёт ва фольклор. // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Т.: “Ўқитувчи”, 1980. –С.342 (341-354)
8. Ошиқ Эркин. Ўлгунча сизни дерман. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2007. –Б.14.
9. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатралар. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2006. –Б.58. (230)

УДК 808.1

ЎЗБЕК БАДИИЙ ОНОМАСТИКАСИДА АТОҚЛИ ОТЛАР УСЛУБИЯТИ

Т. Эназаров, фил.ф.д., проф., Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент

С.Х. Алланазарова, катта ўқитувчи, Навоий Давлат Кончилиқ Институти, Навои

Аннотация. Ўзбек ономастикасининг илмий амалий жиҳатларини ўзида қамраб олган ҳолда унинг илмий назарий жиҳатларига эътибор бериш бу тадқиқотнинг асосий мақсади бўлмаган. Шунинг учун ҳам “Ўзбек ономастикаси”нинг бу тармоғи ҳам ўзига хос масалалари, ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолари борлиги билан тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортиб туради. Шу сабабли ушбу тармоқда атоқли отларни бадий ономастик бирликлар сифатидаги услубияти асосий эътиборда бўлади. Маъшур адабий бадий асарлардаги ижобий қаҳрамонлар халқ вакилларининг дилидаги севимли қаҳрамон инсонларининг рамзий образларини яратишигани учун уларнинг исмлари ҳам халқ ичида оммалашиб кетган. Демак ўзбек бадий ономастикаси масалалари ўз

ечимини кутиб турган катта илмий тадқиқотларни муваффақият тарзда олиб бориши мумкин бўлган соҳадир.

Калит сўзлар: бадиий адабиёт, ономастика, атоқли отлар, услубият.

Аннотация. Основная цель данного исследования состояла в том, чтобы сосредоточиться на научно-теоретические аспекты, включая научные аспекты, ономастики Узбекистана. Вот почему это направление узбекской ономастики привлекает внимание исследователей своими специфическими и актуальными проблемами, которых необходимо решать. Вот почему методология собственных имён как художественная ономастическая единица находится в центре внимания. Имена позитивных персонажей известных литературных произведений стали популярными среди людей, потому что они создают символические образы героических людей в своих сердцах. Это означает, что вопросы узбекской художественной ономастики являются областью, в которой научные исследования могут быть успешно решены.

Ключевые слова: художественная литература, ономастика, существительные, стилистика.

Abstract. The main goal of this study was to focus on scientific and theoretical aspects, including scientific aspects, onomastics of Uzbekistan. That is why this direction of the Uzbek onomastics attracts the attention of researchers with its specific and urgent problems that need to be addressed. That is why the methodology of proper names as an onomastic art unit is in the spotlight. The names of the positive characters of famous literary works have become popular among people because they create symbolic images of heroic people in their hearts. This means that the issues of Uzbek artistic onomastics are an area in which scientific research can be successfully resolved.

Keywords: artistic literature, onomastics, possessive nouns, stylistics.

Биламизки, “Ономастика” [1] ва “Ўзбек ономастикаси” бир неча катта тармоққа бўлиниб кетган [2]. Мана шундай катта тармоқлардан бири “Ўзбек бадиий ономастикаси” ҳисобланади [3]. Унинг бирликлари ономастик бирликлар ҳисоблангани каби она тилимизнинг ўзига хос бойлигидир. Сабаби, “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”[4].

Ушбу тармоқ ҳал қилиниши лозим бўлган катта илмий муаммолари билан ажралиб турса-да, айти вақтгача илмий назарий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаганлиги бор ҳақиқатдир. Тўғри, бу соҳада бир неча илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да[5], лекин улар ўзбек бадиий ономастикасининг илмий назарий тегишли муаммоларининг ечимига тўхталинмаган[6]. Зеро, уларга муносабат билдиришимиз ҳам мустақиллигимиз туфайли бўлаётганлигини унутмаслигимиз лозим[7].

Биз эса бу ерда яна “Ўзбек бадиий ономастикаси”нинг илмий назарий ва илмий амалий муаммоларининг илмий ечимини топиш учун қадимги даврлардан то бугунги кунгача бўлган даврдаги бадиий асарларни танлаган ҳолда фойдаланишимиз мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Албатта, улардан танлаб олинган ономастик бирликлар мажмуи илмийлик тамойиллари асосида талқин, тавсиф ва тасниф қилиниши ўринлидир. Зеро, ҳар қандай қутлуғ мақсад учун асосли ва ишончли материаллар бўлса, уни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳамда ишончли бўлади.

Айти шу ўринда атоқли отлар услубияти соҳасида Э.Бегматов ва унинг шогирдларининг илмий амалий йўналишларда кузатишлар олиб боришганини айтиб ўтиш лозим[8]. Э.Қиличев эса ўзбек бадиий ономастикаси масала ва муаммолари тўғрисида гапирмаган ҳолда “Ўзбек тили ономастикаси” номли махсус курс учун тайёрлаган ўқув қўлланмасида ономастик бирликларнинг тил луғат тизимидаги ўрни, антропонимларнинг, хусусан, исмлар тарихининг халқ тарихи, антропонимларда сўзлараро тизимий

муносабатларнинг ифодаланиши, антропонимик индикатор ва антропонимларнинг услубий хусусиятларининг талқини ҳамда таҳлиллари, С.Айний асарларидаги антропонимларнинг бетакрорлиги, А. Қахҳор асарларидаги антропонимларнинг асар ғоясини очиб беришга хизмат қилувчи услубий хусусиятлари, Э.Жуманбулбул дostonлари матнида қўлланилган антропонимлар, шу жумладан, топоним, ойконим, гидроним ва оронимларнинг услубий хусусиятлари сингари анчагина муаммолар илмий таҳлилга тортилган[9].

Н.Хусановнинг тадқиқотида эса XV аср адабий бадиий ёдгорликлари матнларидаги антропонимларнинг услубий хусусиятларини исмларнинг дostonлар матнидаги маъноси ва шеърый санъатлар мисолида талқин, тавсиф ва таҳлил қилган. Мазкур муаллифнинг ушбу монографиясида **Бахром, Ёқуб, Ҳотам, Наврўз, Лайли, Хисрав, Мажнун, Хизр, Фарход, Ширин, Жамшид** ва бошқа исмлар номинатив вазифада ҳамда турли маъноларда (иккитадан ўн бештагача) келганлигини матний мисоллар таҳлили воситасида ёритган[10].

Юқорида берилганлардан шу нарса ойдин бўлиб турибдики, ўзбек ономастикасининг илмий амалий жиҳатларини ўзида қамраб олган ҳолда унинг илмий назарий жиҳатларига эътибор бериш бу тадқиқотнинг асосий мақсади бўлмаган. Шунинг учун ҳам “Ўзбек ономастикаси”нинг бу тармоғи ҳам ўзига хос масалалари, ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолари борлиги билан тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортиб туради. Шу сабабли ҳам ушбу тармоқда атоқли отларнинг бадиий ономастик бирликлар сифатидаги услубияти асосий эътиборда бўлади.

Атоқли отларнинг назарияси бўлгани[11] каби уларнинг услубияти деганда аввало бадиий адабиёт индивидуал ижоди билан фарқланадиган ижодкорлар томонидан яратилишини ва уларда қўлланган номлар ижодкорнинг ўзига хос индивидуал ижод услубига ва бадиий услубга таяниб, илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши ўринлидир. Биламизки, атоқли отларнинг маълум қисми, ўзбек бадиий адабиётида қўлланиши меъёрига ва қўлланиш эҳтиёжига кўра, уларнинг ясалиши[12], номланиши ҳамда қайта номланишларига хос меъёрийликка эғалигига кўра бадиий ономастик бирликлар сифатида қўлланилади. Агар “Ономастика(Номшунослик)”да, хусусан, топонимикада топонимлар, ойконимикада ойконимлар, оронимикада эса оронимлар, этнонимикада эса этнонимлар асосий тадқиқот объектлари саналса, ўзбек бадиий ономастикасида эса асосан, антропоним (киши исми, фамилияси, отасининг исми – шарифи, кунияси, лақаби ва тахаллуси)лар бошқа ономастик бирликларга нисбатан асосий эътиборда бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий асарларни биринчи марта ўқиганимизда ҳам, ва ҳатто, ўнинчи марта ўқиганимизда ҳам, албатта, биринчи навбатда асосий диққат эътиборимизни ундаги турли мақсадга эга бўлган қахрамонлар номига қаратамиз, яъни уларнинг ном(лар)и қайта-қайта эсланадики, шу туфайли ҳам “Ном кўйиш ҳам санъат” деб бекорга айтишмаган[13]. Эндиги мақсад эса бундай номларнинг номланиши, қайта номланиши, уларнинг даражаси ва қўламига асосланиб, илмий таҳлилга тортишдир.

Номшуносликнинг хусусий кўринишларидан бири бўлган “Ўзбек номшунослиги” билан бирга унинг халқона ономастика, илмий ономастика ва бадиий ономастика сингари бир қанча турлари ҳам бор. Сабаби, атоқли отлардаги фарқли ҳолатлардан бири сифатида халқона ономастика, илмий ономастика ва бадиий ономастика бирликлар мавжуд. Уларнинг индивидуал тарздаги қўлланиш меъёрлари бор. Бу меъёрларнинг даражаси, қўлланиш ҳамда ишлатилиш қўламини билиш учун ўзбек бадиий ономастикаси бўйича махсус илмий назарий мазмундаги илмий тадқиқотни олиб бориш лозим бўлади. Шу ўринда ўзбек адабиётидаги бадиий асарлар матнларида учрайдиган атоқли отларнинг номланиши, қайта номланиши, қўлланиш, уларнинг айтилиш, ишлатилиш меъёрларини бир бутун ҳолдалигини ифодаладиган услубияти тўғрисида фикр юритиш керак. Матбуотда, кундалик турмушда, радио, телевиденияда ва яна бадиий асарларда, хусусан, ижодкорларнинг асарлари матнида турли хил ва турлича мазмун-моҳиятли атоқли отларнинг ишлатилиш жараёнларининг алоҳида-алоҳида кўринишлари уларга хос бўлган бетакрор индивидуал услубият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тилдаги, аниқроғи, тилга хос лексикологиядаги атоқли

отларнинг услубияти бошқа соҳаларнинг услубиятларидан маълум даражада фарқланиши ҳам махсус илмий тадқиқот давомида асосланади. Шу сабабли ҳам бадиий ономастик бирликлар мажмуи, бизнингча, қуйидагилардан иборат бўлиши тўғри: 1) бадиий асар(лар) номи; 2) бадиий асар воқеалари рўй берадиган жой номлари; 3) бадиий асарлардаги қахрамонлар номлари; 4) бадиий асарлардаги воқеалар номи; 5) бадиий асарлардаги нарсалар номи; 6) бадиий асарларда учрайдиган осмон ва ер объектларининг номлари ва бошқалар.

Апеллятив лексикадаги турдош отлардан фарқ қилгани ҳолда ономастик лексика сатҳидаги атокли отларнинг объектларини турли нуқтаи назарлардан номловчилик хусусияти билан биргаликда кўрсатувчилик, эмоционаллик, кўргазмалилик ҳолатлари ҳам уларга хос бўлганини, яъни услубий хусусиятларни ҳам у ёки бу даражада ўзларида ифодалайди. Чунки халқона ономастика оғзаки сўзлашув услубини, илмий ономастика эса илмий услубдаги таҳлил-у талқинларнинг бажарилишини талаб этса, бадиий ономастика, сўзсиз, бадиий услубга хос ономастик бирликларга тегишли хусусиятларни ўзида намоён этиб, илмий таҳлил қилишга ҳозирлайди.

Ҳар бир номланган объект иккинчи бир шундай объектлардан номлангани билан фарқланганидек, худди ўша объектларга нисбатан алоҳидаликни ҳам, кўрсатувчиликни ҳам, кўргазмалилик хусусиятларини ҳам ўзида намоён қилади. Масалан, **Фарҳод** ва **Ширин** ёки **Салим** ёхуд **Салима** (бошқа исмларни ҳам қўйиш мумкин) номи билан реал ҳаётда ва бадиий адабиётда аниқ бир инсон бошқа одамлардан фарқланса, шу ном билан аталган киши бошқалар учун улар қидирган ва мана шу ном билан кўрсатувчилик вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда **Фарҳод** ва **Ширин** ёки **Салим** ёхуд **Салима** деган одамларнинг катта ёки кичик гавдали эканлиги, шунингдек, яхши ёки ёмонлиги, инсофли ёки инсофсизлиги каби ҳолатлар эса шу номлар маъносидаги номлиликнинг кўргазмалигини билдиради.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асари дostonларидаги доно, содику садоқатли, ақли, кучли, чидамли ва муруватли қахрамонлар[14], “Бобурнома”[15] ва “Юлдузли тунлар”даги **Бобур** номи, “Ўтган кунлар”даги **Отабек** ҳамда **Кумуш**, “Меҳробдан чаён”даги **Анвар** ва **Раъно**, “Навоий” романидаги **Алишер Навоий**, “Синчалак”даги **Саида Алиева**, Фафур Гулом асарларидаги **ота сиймосию шум бола**, “Улуғбек хазинаси”даги **Улуғбек**[16], Ўткир Ҳошимов асарларидаги **она сиймоси** ифодаланган образлари бетакрорий воқеликдалиги, халқ орзу умидларини ўз номларида мужассам қилишгани билан айни вақтда ҳам таълимий-тарбиявий, ҳам илмий назарий, ҳам илмий амалий жиҳатлардан аҳамиятлилигига шубҳа йўқ. Буларни ўзбек бадиий ономастика материаллари деб қанчалик такроласак-да, улар лингвистиканинг тадқиқот объектларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим [17].

Номларнинг услубиятида уларнинг объектларга ном сифатида берилишида, ном ҳамда исмлар сифатида айтилиши ва таҳлил қилинишида, бадиий адабиётда уларнинг услубий воситалардан бирлигини кўрсатиш лозим бўлади. Шу билан бирга одатдаги номлар каби ўзбек бадиий адабиётида ҳам ономастик бирликларнинг тўғри ҳамда ўринли қўлланиши қай даражадалигига ҳам эътибор бериш лозим, чунки “номни тўғри қўллаш одоб, одамлилик рамзидир”[18].

Бугунги кунда туғилган чақалоқларга исм қўйишда машҳур адабий асарлардаги бош ижобий қахрамонларнинг номлари ҳам муайян даражада эътироф этилган ва машҳур номлардан бири сифатида катта аҳамият касб этади. Машҳур адабий бадиий асарлардаги ижобий қахрамонлар халқ вакилларининг дилидаги севимли қахрамон инсонларининг рамзий образларини яратишгани учун уларнинг исмлари ҳам халқ ичида оммалашиб кетган. Демак, ўзбек бадиий ономастикаси масалалари ўз ечимини кутиб турган катта илмий тадқиқотларни муваффақиятли тарзда олиб бориш мумкин бўлган соҳадир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М., Наука, 1978.
2. Ономастика Узбекистана. Т., Ўқитувчи, 1987.92 с.; Ономастика Узбекистана. Т., Ўқитувчи, 1989.208 с.
3. Эназаров Т., Хусанова М., Есемуратов А. Ўзбек номшунослиги. -Т., Наврўз, 2015. 3-46-бетлар.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Т., Маънавият, 2008. 83-бет.
5. Бегматов Э., Шафқаров А. Исмлар услубиятига доир. Навоий, 2002. 12-14-бетлар.
6. Белецкий А. А. Лексикология и теория языкознания (ономастика). Киев, Издательство Киевского университета, 1972. 208 с.
7. Қораев С. Истиқлол ва топонимия // Илмий-амалий конференция тезислари. -Навоий, 1993. 117-бет.
8. Бегматов Э., Шафқаров А. Исмлар услубиятига доир. -Навоий, 2002. 12-14-бетлар.
9. Қиличев Э. Ўзбек тили ономастикаси. -Т., 2004. 56 бет.
10. Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. -Т.: “Navro`z”, 2014, 133-231 бетлар.
11. Болотов В. И. Теория имен собственных. -Т., 2003. 98 с.
12. Подольская Н. В. Проблемы ономастического словообразования // ВЯ. -М., Наука, 1990. N3. С. 40-53.
13. Эназаров Т. Ж. Ном қўйиш ҳам санъат // Нутқ маданияти масалалари. Илмий тўплам. -Т., 1993. 227-228-бетлар.
14. Ёқубов Шарифжон. Навоий асарлари ономастикаси. ФФНД. -Т., 1994. 175 б.
15. Бобир Захириддин Муҳаммад. Бобирнома. -Т., 1960. 512 б.
16. Добродомов И. Г. Улу(г)бий // Проблемы этимологии тюркских языков. -Алма-Ата, Гылым, 1990. С. 302-306.
17. Суперанская А.В. Лингвистический аспект ономастических исследований // ВО. III. Самарканд, СамГУ, 1976. С.5-12.
18. Эназаров Т. Ж. “Номшунослик масалалари”. -Т., 2010. 3-18-бетлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ

№2/2(58)
2020 й., февраль

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳих:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Артикбаева Гулистан

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 07.02.2020
Босишга рухсат этилди: 20.02.2020.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 35.
Ҳажми 5,3 б.т. Буюртма: № 4-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 377-51-85
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18